ҲАММА КОММУНИСТИК ШАНБАЛИККА!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 88 (16.778). | 16 апрель 1977 йил, шанба | Баҳоси 2 тийин.

«КОММУНИСТИК ШАНБАЛИКЛАР» ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ЖУДА КАТТА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА ЭГАДИРКИ, УЛАР БИЗГА ИШЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТ УНУМИНИ ОШИРИШДА, ЯНГИ МЕҲНАТ ИНТИЗОМИГА ЎТИШДА, ХЎЖАЛИК ҲАЁТИНИНГ СОЦИАЛИСТИК ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШДА ОНГЛИ ВА ИХТИЁРИЙ СУРАТДА ТАШАББУСКОРЛИК ҚИЛАЁТГАНЛИКЛАРИНИ КЎРСАТМОҚДА.

В. Щербаков

ТЕЖАЛГАН ЁНИЛҒИ ҲИСОБИГА

Бепоён мамлакатимиздаги миллионлаб кишилар қатори биз ҳам уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан бугун Бутуниттифоқ коммунистик шанбелигига чиқамиз. Кўпминг кишилик коллективимиз шу куни барча участкаларда фидокорона меҳнат қилиб, энг юқори кўрсаткичларга эришишни асосий мақсад қилиб қўйган.

Мен деярли 20 йилдан бери Ховос локомотив депосида машинист бўлиб ишлайман. Барча ҳамкасб дўстларим, бородарларим қатори шанбаликда актив иштирок этиш ва шу куни меҳнатда энг яхши кўрсаткичларга эришишни шараф деб биламан. Шанбалик куни биз, депо машинистлари фақат тежалган ёнилғи хисобига ишлаймиз ва 100 та поездни манзилларга етказамиз. Менинг ўзим оғир составли поездни белгиланган манзилга етказаман. Бир мен эмас, депомизнинг Анатолий Борисов, Василий Сакерин, Виктор Навика сингари ўнлаб илғор, ғайратли машинистлари ҳам коммунистик меҳнат байрами куни энг масъулиятли участкаларда меҳнат қиладилар.

Биз, темирйўлчилар ва машинистларнинг сўзимиз билан ишимиз бир. Буни Бутуниттифоқ коммунистик шанбелиги кунида яна бир бор исботлаймиз.

Г. ГИЛЕЙНИК.
Ховос локомотив депосининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли машинисти.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Биз, Совет Ўзбекистони пайтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциясининг қатнашчилари жонажон партиямизнинг ленинчи Марказий Комитетига ва содиқ марксчи-ленинчи оташин интернационалист, ер юзида тинчлик ва кишиларнинг бахт-саодати учун ҳормас-толмас курашчи азиз Леонид Ильич, шахсан Сизга кизғин коммунистик салом йўллаймиз.

Конференциямизнинг иши революцион назария ва практиканинг энг муҳим проблемаларидан бири — пролетар интернационализмига бағишланди. Азиз Леонид Ильич, Сизнинг Тошкент конференцияси иштирокчиларига юборган самимий табрикномангиз ҳаммамизда ўчмас таассурот қолдирди. Конференциянинг аҳамиятини кўтарди, унинг ишида муҳим омил ва мўлжал бўлиб қолди.

Конференциянинг ҳамма қатнашчилари Коммунистик партиянинг ленинча интернационалистик сиёсатини, партиямизнинг жанговар штаби — КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросининг социалистик жамиятни коммунизм йўлида янада ривожлантириш, СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш борасидаги ҳормас-толмас фаолиятини бутунлай ва тўла-тўкис маъқуллайдилар, қизғин қўллаб-қувватлайдилар. Барча совет кишилари каби биз ҳам партия ва Совет ҳукуматининг тинчлик, демократия, халқларнинг миллий ва социал озодлиги учун, социализм учун олиб бораётган актив ва изчил курашини юксак даражада қадрлаймиз.

Улуғ Ленин васиятларига амал қилаётган КПСС пролетар интернационализми байроғини ҳамиша баланд кўтариб келмоқда. Совет халқи, бутун прогрессив инсоният пролетар интернационализми назарияси ва сиёсатини ишлаб чиқишда, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларини жипслаштиришда, ишчилар синфи билан барча революцион кучлар халқаро бирдамлигини мустаҳкамлашда партиямиз, унинг Марказий Комитети, азиз Леонид Ильич, шахсан Сиз қўшаётган жуда катта ҳиссани юксак даражада қадрлайдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги, совет халқининг катта-катта зафарлари марксизм-ленинизм, пролетар, социалистик интернационализм принциплари ҳаётий кучининг яққол тасдиғи бўлиб хизмат қилади.

Интернационализм байроғи остида Улуғ Октябрь ғалабасига эришилди, жаҳон социализм системаси вужудга келди Халқаро коммунистик, ишчилар ҳаракати мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда, жаҳондаги революцион жараён муттасил ўсиб бормоқда

«Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз-» деган сўнмас жанговар чақириқ битилган интернационализм байроғи остида жаҳон коммунизм ғалабасига эришади.

Партия ленинчи Марказий Комитетига, азиз Леонид Ильич, Сизга коммунистик бунёдкорлик ишларига раҳбарлик қилишда чин қалбимиздан астойдил янги-янги муваффақиятлар, кўп миллатли совет социалистик Ватанимизнинг фаровонлиги ва бахт-саодати йўлида, олижаноб тинчлик идеаллари, социал тараққиёт, халқларнинг хавфсизлиги ва ҳамкорлиги йўлида, марксизм-ленинизмнинг ўлмас музаффар ғоялари тантанаси йўлида янги, янада катта зафарлар тилаймиз.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги!

Яшасин мангу барҳаёт революцион таълимот — марксизм-ленинизм!

Яшасин халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг қудратли, синалган қуроли — пролетар интернационализми!

«Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциясининг қатнашчилари бир овоздан қабул қилганлар.

Тошкент шаҳри. 1977 йил. 15 апрель.

Октябрь Революциясининг 50 йиллиги номли Тошкент ремонт-тажриба заводининг меҳнат аҳли доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 107 йиллиги шарафига ўтказиладиган Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликни кўзга кўринарли натижаларни қўлга киритган ҳолда кутиб олдилар. Бутун коллектив шу куни шанбаликда иштирок этади. Ишчилар ишлаб топилган маблағни беш йиллик фондига ўтказишади. Суратда: завод илғор ишчиларидан (чапдан ўнгга) Ҳ. Исматова, Ҳ. Мирҳожиев, С. Ғаниев, Ҳ. Мирахмедов ва Е. Смаглиева ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВАДАН ЖУНАБ КЕТДИ

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида дўстона расмий визит билан меҳмон бўлиб турган Афғонистон Республикасининг Президенти Муҳаммад Довуд 15 апрель куни Москвадан ватанига жўнаб кетди.

Афғонистон Республикаси ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган аэродромда Президентни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Учиш майдонида фахрий қоровул саф тортиб турди ва Афғонистон Республикаси билан Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди. (ТАСС).

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

КПСС РОСТОВ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА, КАСАБА СОЮЗЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА, ВЛКСМ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА

Азиз ўртоқлар!

Область партия ташкилотининг ҳамма саноат корхоналарида планларнинг бажарилишини таъминлаш соҳасидаги иши тўғрисида сизлар берган ахборот билан қизиқиб танишдим.

Дон партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, саноат меҳнаткашлари ишни тўғри уюштирган, социалистик мусобақага моҳирона раҳбарлик қилган тақдирда қолоқ корхоналарсиз ишлаш мумкинлиги намунасини кўрсатмоқдалар. Сурункасига 3 йилдан бери областдаги деярли ҳамма завод ва фабрикалар маҳсулотни реализация қилиш, янги техникани жорий этиш планларини муваффақиятли ўзлаштирмоқдалар. Сизлар эришилган натижа билан кифояланиб қолмасдан, ўнинчи беш йилликда қолоқ корхоналаргина эмас, ҳатто қолоқ бригадалар, участкалар ва цехлар ҳам бўлмаслигига интилаётганлигингиз айниқса қувончлидир. «Қолоқларсиз ишлаймиз» деган шиор сизларнинг корхоналарингизда планни маҳсулотни реализация қилиш жиҳатидан ҳам, шунингдек бошқа техника-вий-иқтисодий кўрсаткичлар жиҳатидан ҳам албатта бажаришни ўз ичига олаётганлиги жуда тўғри.

Ишлаб чиқариш — хўжалик алоқалари узлуксиз кенгайиб бораётган шароитда экономикамизнинг ҳамма бўғинларида план интизомига қатъий риоя этилиши ғоят муҳим аҳамият касб қилиши тўғрисида илгари гапирган эдим ва яна бир карра таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳар бир ишлаб чиқариш коллективи план топшириқларини ва заказларни белгиланган муддатда бажариши, маҳсулотнинг сифати аъло бўлиши, турдош касб эгаларини, истеъмолчиларни ҳеч қачон доғда қолдирмаслиги муҳимдир. Шу сабабли партия ташкилотлари ишчидан тортиб раҳбар ходимгача барча меҳнаткашларни белгиланган планларнинг бажарилиши учун, ўз корхонасининг шарафи учун юксак масъулият туйғуси руҳида тарбиялаб, катта иш қилмоқдалар.

Партия Марказий Комитети ростовликларнинг тажрибасига бошқа областлар, ўлкалар ва республикалар ҳам бажонидил қўшиладилар, бу тажрибадан ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш манфаатлари йўлида кенг фойдаланадилар, деб ишонч билдиради.

Дон меҳнаткашларига Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан кабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришда, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш йўлидаги курашда катта муваффақиятлар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИ ҒОЯЛАРИ ЯШАБ, ҒАЛАБА ҚОЗОНМОҚДА

«Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси» мавзуидаги Бутуниттифоқ илмий-назарий конференцияси Ўзбекистон пойтахтида уч кун давом этди. Бу конференцияни СССР Фанлар академияси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўтказди. Конференцияни ўтказишда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академияси билан олий партия мактабининг олимлари актив иштирок этдилар. Совет жамиятшунос олимлари, партия ходимлари, Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси бир қанча мамлакатларининг фан аҳллари, ижтимоий ва сиёсий арбоблари ишчилар синфи, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг қудратли, синалган қуроли бўлмиш пролетар интернационализмининг турли жиҳатларини муҳокама қилдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга конференция қатнашчиларига йўллаган табрикномасида эзгу тилаклар изҳор этгани учун чуқур миннатдорчилик сўзлари айтишди.

15 апрель эрталаб секцияларнинг мажлислари давом этди Шу мажлисларда тингланган доклад ва ахборотларда СССРда социализм қурилишининг 60 йиллик тажрибаси батафсил кўриб чиқилди, пролетар интернационализми проблемаларини ишлаб чиқаётган олимлар тадқиқотларининг натижалари баён этилди, жамиятни коммунистик тарзда ўзгартириш йўлидаги курашнинг янги форма ва методлари умумлаштирилди.

Ҳамма доклад ва нутқларда шу нарса таъкидланди-ки, пролетар интернационализми ишчилар синфининг жанговар қуроли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади: коммунистик партиялар фаолиятининг ҳаёт синовидан ўтган бу энг муҳим принципи коммунизм идеаллари учун олиб бораётган умумий революцион курашда меҳнаткашларнинг миллий ва интернационал манфаатларини узвий равишда бирга қўшиш имконини беради.

Кечқурун конференциянинг якунловчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. ПБИП Марказий Комитети ҳузуридаги сиёсий фанлар олий мактаби ишчилар ҳаракати институтининг директори, профессор Я. Голембовски ўз нутқида айтдики, чет эллик меҳмонлар Ўзбекистонда, унинг пойтахти Тошкентда бўлганларида совет кишилари эришаётган барча муваффақиятларнинг негизи бўлган жаҳонда биринчи социалистик давлат халқларининг қардошларча дўстлиги нечоғлик кучли ва мустаҳкам эканлигини ўз кўзлари билан кўриб, ишонч хосил қилдилар. Т. Синурайа (Индонезия) ўз нутқида барча антиимпериалистик кучларни бирлаштириш учун пролетар интернационализмининг катта аҳамиятга эга эканлигини гапирди. Болгария Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Стойков совет кишилари интернационализмга содиқ бўлганликлари учун уларга илиқ, самимий миннатдорчилик сўзларини айтди, совет халқи, Ўзбекистон меҳнаткашлари эришган ажойиб зафарлар учун фахрланиш ва қойил қолиш хиссиётларини изҳор этди. ГБСП Марказий Комитети ҳузуридаги халқаро ишчилар ҳаракати институтининг директори, профессор Г. Нойберт ўз нутқида пролетар интернационализми ғояларига садоқат — ишчилар синфи иши учун энг актив курашчилар бўлган коммунистлар фаолиятини акс эттирувчи энг асосий омил эканлигини таъкидлаб ўтди.

Сўнгра секцияларда ўтказилган фикрлашув натижалари тўғрисидаги докладлар тинглинди. Докладларда ҳамма нутқлар назарий жиҳатдан юқори савияда бўлганлиги, ҳозирги революцион жараёнга, ижтимоий ривожланиш туб қонуниятларининг характерига доир энг муҳим масалаларни марксизм-ленинизм позицияларидан туриб ёритиб беришга интилганлиги таъкидланди.

Академик Ю. В. Бромлей «Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча ҳамкорлиги — амалдаги интернационализм» секциясининг самарали иши тўғрисида гапирди. Секция мажлисида синфсиз жамият қурилишида пролетар интернационализмининг роли ошиб бориши билан боғлиқ назарий масалалардан тортиб конкрет тарихий хулосаларгача бўлган асосий мавзуларнинг турли жиҳатлари, жами омиллар йиғиндиси кўриб чиқилди.

СССР Фанлар академияси халқаро ишчилар ҳаракати институти директорининг ўринбосари тарих фанлари доктори Б. И Коваль «Ҳозирги даврда меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги ва уни ривожлантириш» секциясининг иши тўғрисида ахборот берди Муҳокамага ўттиздан ортиқ илмий ахборот тақдим этилди ва кўриб чиқилди, уларда пролетар интернационализми революцион моҳиятини комплекс анализ қилишнинг муҳимлиги очиб берилди.

Секция мажлисларида совет олимлари билан бир қаторда Ругвай Компартиясининг Марказий Комитетининг Биринчи секретари Р. Арисменди, ГДР, Польша, Болгария, Чехословакия, Венгриянинг марксист олимлари шунингдек ГФР, Эфиопиядан келган меҳмонлар, Фластин Қаршилик ҳаракатининг вакили ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

Конференциянинг ўзи, унда турли миллатларга мансуб олимларнинг актив иштирок этганлиги, уларнинг коллектив ижодий иши — ҳаётдаги интернационализмнинг кўринишларидан бирдир. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Е. М. Чехарин «Пролетар интернационализми: идеология проблемалари ва маданият» секцияси ишининг натижалари тўғрисида берган ахборотида шу фикрни ифодалаб берди.

Секция мажлисларида мамлакатимизнинг кўпгина иттифоқдош республикаларидан, шунингдек Болгария ва ГДРдан келган олимлар ва ишчилар ҳаракатининг етакчи арбоблари ва ёшлар ташкилотлари вакиллари ва бошқалар ўз нутқида ҳаётий мисоллар асосида пролетар интернационализмининг ҳозирги даврдаги моҳиятини, ривожланиш истиқболларини, ишчилар синфи ва ҳамма меҳнаткашларнинг миллий ва интернационал манфаатлари ҳамда ҳаётий эҳтиёжлари ўртасидаги боғлиқликни, ишчилар синфи ва ҳамма меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари ва ҳуқуқлари учун, тинчлик учун, ер юзидаги барча халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстлик учун, социализм ва коммунизм учун олиб бораётган ҳаётий курашини, ҳозирги замон революцион кучларининг бирлигини, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг ижтимоийлиги ва меҳнати — амалдаги интернационализмнинг ўзидир.

Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Бутуниттифоқ конференциясининг якунловчи ялпи мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, П. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Н. Ф. Кузьмин, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Е. Малончук, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Т. Кузьмин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, К. А. Аҳмедов, С. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Кўпгина давлатларнинг марксистлари конференция минбаридан туриб, ижодий фикрлашув ишчилар синфининг, социализмнинг умумий ишига, ҳозирги замон революцион кучларининг бирлигини парчалашга уринаётган реакция ва империализмга қарши кураш ишига хизмат қилиб келди ва хизмат қилмоқда деб уқтириб ўтдилар. Доклад ва нутқларда пролетар интернационализми ғояларининг зўр жозиба кучини бўшаштиришга уринаётган буржуача ва ревизионистча назариялар маддоҳларининг даъволари мутлақо асоссиз эканлиги фош қилиб ташланди. Пролетар интернационализми ишчилар синфининг халқаро коммунистик ҳаракатнинг қудратли, синалган қуроли эканлигини конференция қатнашчилари яқдиллик билан таъкидладилар. Пролетар интернационализми ғоялари ҳаракат қўлланмаси бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ғоялар бизнинг давримизда ҳам, энг илғор дунёқараш бўлган марксизм-ленинизм тантанаси ва уни қарор топтириш учун курашда, тинчлик учун ва халқаро кескинликни юмшатиш учун курашда ҳар қачонгидан ҳам актуал бўлиб турибди.

Назарий мунозара давомида турли мамлакатларнинг марксист олимлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тажрибасининг, у улуғ Ленин васиятларига амал қилиб, пролетар интернационализминнинг ҳаёт синовидан ўтган ўзгармас принципларини муқаддас билиб, мусаффо асраётганлиги жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Конференция қатнашчилари, чет эл мамлакатларидан келган меҳмонлар Ўзбекистонда бўлган вақтларида ленинча миллий сиёсат самараларини, бу самаралар республика экономикаси ва маданияти жадал юксалиб бораётганлигида, укубатли капиталистик ривожланиш босқичини четлаб ўтиб ўз қардошлари ёрдамида етук социализм чўққиларига кўтарилган халқларнинг маънавий кучлари қулф уришида намоён бўлаётганлигини ўз кўзлари билан кўрдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев конференция қатнашчиларига йўллаган табрикномасида айтганидек, СССРда марксизм-ленинизм идеологиясининг тантанаси — чинакам халқаро аҳамиятга молик ғалабадир. Совет жамиятининг бутун ҳаёти, СССР халқлари тенг ҳуқуқли кўп миллатли оиласининг бузилмас дўстлиги, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг ижтимоийлиги меҳнати — амалдаги интернационализмнинг ўзидир.

Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Бутуниттифоқ конференциясининг якунловчи ялпи мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, П. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Н. Ф. Кузьмин, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Е. Малончук, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Т. Кузьмин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, К. А. Аҳмедов, С. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ ИЖРОКОМИНИНГ МАЖЛИСИ

1977 йил 12—14 апрель кунлари Москвада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ижроия комитетининг 80-мажлиси бўлиб ўтди.

Ижроия комитети Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши органларида амалга оширилаётган тадбирларни қараб чиқиб, маъқуллади. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг қардошларча ҳамдўстлиги тинмай ривожланаётганлиги, Кенгаш доирасида халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг роли ошаётганлиги, жаҳон социализм системасининг халқаро сиёсат ва экономикада катта омилга айланаётганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси Октябрь ғоялари билан, Октябрь революциясининг ғалабаси билан чамбарчас боғланган. Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига ўтказиладиган сиёсий тадбирлар қардош социалистик мамлакатлар халқлари интернационал бирдамлигининг ифодаси бўлади.

Мажлисда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий ҳамкорликка, атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан ҳамкорликка доир бир қанча муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Ижроия комитети Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг комплекс программада белгиланган йўналишларида ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш пробемаларига эътибор берди.

Ижроия комитети Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг шу кенгашга аъзо бўлмаган социалистик ва ривожланаётган мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлигини кучайтиришга доир баъзи масалаларни муҳокама қилди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши билан Европа иқтисодий ҳамжамияти ўртасида иқтисодий муносабатлар ўрнатиш масаласи юзасидан Европа иқтисодий ҳамжамияти билан алоқа боғлаш ва музокаралар олиб бориш йўлидаги бундан кейинги қадамлар муҳокама этилиб, келишиб олинди.

Мажлисда иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка доир бошқа масалалар ҳам караб чиқилди, шу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. (ТАСС).

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Қадрли Леонид Ильич!

Дон коммунистлари, барча меҳнаткашлари Сизнинг касаба союзлари XVI съездида сўзлаган ёрқин, сермазмун нутқингизни якдиллик билан маъқуллаб, завқ-шавқ билан қутиб олдилар. Иш самарадорлигини ва сифатини ошириш учун қурашда омманинг ижодий ташаббусини янада ривожлантириш соҳасида Сиз қўйган аниқ ва муҳим вазифалар ишчиларнинг, колхозчиларнинг, зиёлиларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.

Леонид Ильич, область партия ташкилоти КПСС XXIV ва XXV съездларининг социалистик мусобақа таъсир кучини оширишда, умумий юксалишни тезлаштириш мақсадларида колоқ участкаларни илғорлар даражасига етказиш тўғрисидаги йўл-йўриқларини бажариш соҳасида қилаётган ишларни Сизга маълум қилишни хоҳлардик.

Кейинги йилларда завод ва фабрикаларда асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бирорта ҳам колоқ коллективсиз ишлаш ҳаракати кенг авж олиб кетди. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнаткашларнинг ташаббусини мавжуд резервлардан яхшироқ фойдаланишга қаратмоқдалар. Леонид Ильич, бирорта ҳам фойдали ташаббус сўнмай колмасин, деган йўл-йўриқларингиздан амалий хулоса чиқармоқдалар. Хозир колоқларсиз ишлаймиз, деган ҳаракатга транспорт, алоқа корхоналари, қурилиш ташкилотлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари ҳам қўшилмоқдалар.

Дон меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини кутиб олар эканлар, ўз зиммаларига қўйдаги юксак мажбуриятларни олдилар:

Маҳсулотни реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, корхоналарнинг барча коллективлари томонидан номенклатура ва бошқа техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича йиллик планлар ва умуман беш йиллиқнинг бажарилишини таъминлаймиз. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми юзасидан беш йиллик плани 1980 йил 15 декабрига бажарамиз, планга қўшимча равишда 400 миллион сўмлик маҳсулот чиқарамиз.

Сифати олий категориядаги буюмларни чиқаришни икки ярим баравар кўпайтирамиз;

1977 йилда планга қўшимча равишда 80 миллион сўмлик маҳсулот чиқарамиз;

Область коммунистлари, барча меҳнаткашлари ленинчи Марказий Комитетни, Марказий Комитет Сиёсий бюросини, азиз Леонид Ильич, шахсан Сизни ишонтириб айтадиларки, бутун куч, билимимизни, тажриба ва қучғайратимизни юбилей йили ва ўнинчи беш йиллик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун сарфлаймиз. КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшамиз.

КПСС РОСТОВ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ
КАСАБА СОЮЗЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ
ВЛКСМ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ

ПРОЛЕТАР ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМИ— БАЙРОҒИМИЗ!

БИЗНИНГ СУҲБАТ

УНУТИЛМАС ТААССУРОТ

Роберт ШТАЙГЕРВАЛЬД,

Германия Компартияси правленеснининг аъзоси:

Конференция менда жуда катта таассурот қолдирди. Бу каби анжуманларда шу қадар кўп тингловчилар тўпланганлигини жуда камдан-кам учратганман. Бу халқлар дўстлиги ва пролетар интернационализми масалаларига ғоят катта қизиқиш билан қаралаётганлигини кўрсатади.

Шахсан, менда айниқса КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг, Урғвай Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Р. Арисмендининг ва конференцияда, унинг секция йиғилишида сўзга чиққан бошқа нотиқларнинг мазмунли ва қизиқарли докладлари унутилмас таассурот қолдирди.

Мен бундан 14 йил аввал Узбекистон ССРда бўлган эдим. Ушанда катта таассуротлар билан ватанимга қайтгач, оила аъзоларимга Узбекистоннинг гўзал табиати, ажойиб кишилари тўғрисида ҳаяжон билан ҳикоя қилиб берган эдим. Менга азиз ва қадрдон бўлиб қолган бу ажойиб ўлка билан яна бир бор кўришиш орзуси қалбимни туғёнга солиб юрарди. Ниҳоят яна гўзал Тошкентдеман. Унинг кўркамлигига, ҳусни-жамолига боқиб чўчқр ўйга толаман: қақиқатан ҳам, социалистик тузум, халқлар дўстлиги ва пролетар интернационализми қандай улкан куч-қудратга эга экан. Менда айниқса Узбекистоннинг саховатли меҳмондўст халқи, қадимий архитектура обидалари, кўм-кўк боғ-роғлари ва ҳиёбонлари катта таассурот қолдирганлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

ЮКСАК БАҲОЛАЙМИЗ

Абу ХОЛИД,

Фаластин Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг вакили:

Қуёшли Узбекистон пойтахти Тошкентда ўтказилган «Улуғ Октябрь 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализми тантанаси» мавзуидаги илмий-назарий конференцияда иштирок этганлигимдан чексиз мамнунман. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг конференция қатнашчиларига йўллаган мактубида, мазкур анжуманда сўзга чиққанларнинг нутқларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг халқаро аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди. Дарҳақиқат, XX асрнинг энг буюк воқеаси бўлмиш Октябрь инқилоби неча асрлардан бери мустамлакачилар зулми остида инграб ётган халқларни уйқудан уйғотди. Жаҳон миллий-озодлик ҳаракатини тезлаштирди. Фаластин қаршилик ҳаракати ана шу миллий-озодлик ҳаракатининг таркибий қисмидир.

Фаластин араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқлари, мустақил Фаластин давлатини вужудга келтиришга қадар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи халқаро миқёсда тан олинди. Ўртоқ Л. И. Брежнев яқинда Москвада Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитети раиси Ясир Арафат билан суҳбатда Фаластин қаршилик ҳаракати кейинги йилларда Фаластин арабларининг қонуний миллий ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишда талай муваффақиятлар қўлга киритганлигини, араб миллий-озодлик ҳаракатининг илғор отрядларидан бири бўлиб қолганлигини айтди.

Тошкент конференцияси пролетар интернационализми принциплари бузилмас эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Биз анжуман давомида совет кишилари сўзда эмас, амалда интернационалист эканликларини, бир-бирларига ҳар қадамда ғамхўрлигини, қардошларча дўстлигини ҳис қилиб турдик.

ҚАРДОШЛИК ТИМСОЛИ

Януш ГОЛЕМБЕВСКИ,

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети ҳузуридаги Халқаро ишчилар ҳаракати институтининг директори:

— Конференциянинг ғоят ишчанлик руҳида ўтганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Бу, энг аввало, кун тартибига қўйилган масаланинг ғоят улуғворлиги ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг конференция қатнашчиларига йўллаган табрикномаси туфайлидир. Ўртоқ Л. И. Брежнев конференциямизга юксак баҳо берди. Унинг «Октябрнинг 60 йиллиги арафасида иш бошлаган конференциянгиз жаҳон революцион жараёнининг ҳозирги босқичида пролетар интернационализми назарияси ва сиёсатининг бутун улуғворлигини очиб бериши лозим», деган сўзлари барчанинг диққатини ўзига тортди.

Пролетар интернационализми тантанасини Совет ва Польша халқари ўртасидаги бузилмас дўстлик мисолида ҳам равшан кўриш мумкин. Марксча-ленинча интернационализм принципларига асосланган ҳудди шу дўстлик, биродарлик туфайли бизнинг мамлакатимиз социалистик йўлга кира олди ва мисли кўрилмаган иқтисодий-сиёсий ғалабаларни қўлга киритди. Польшаликлар ўз юртларида амалга оширилаётган ҳар қандай ўзгаришни интернационал дўстлик билан чамбарчас ҳолда кўрадилар.

Шундай катта халқаро илмий анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Биз «ок олтин» ўлкасининг бош шаҳрини азалдан қардошлик ва дўстлик тимсоли деб биламиз. Эндиликда йирик халқаро симпозиум ва конференцияларнинг муттасил маркази бўлиб колган Тошкентда ўтган кунларни асло унутиб бўлмайди.

Оламда нима гап

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

ГАВАНА, Коммунистларнинг Улуғ Октябрь 60 йиллигини меҳнатда муваффақиятлар билан кутиб олиш тўғрисидаги ташаббуси Кубадаги ишлаб чиқариш коллективлари томонидан тобора кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Гавана билан Санта-Клара ўртасида юқори вольтли электр линия қурилишида банд бўлган монтажчилар бригадаси линияни шу йил 7 ноябргача қуриб битказиш мажбуриятини олди.

СОЦИАЛИСТИК АКАДЕМИЯНИНГ ЮБИЛЕЙИ

ПРАГА, ЧССР. социалистик академияси ўзининг чорак асрлик юбилейини нишонламоқда. Академия снёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Чехословакия жамияти ишини давом эттирмоқда. 25 йил мобайнида бу ерда лекторлар сони ўн баравар ошди.

Бу йил лекциялар ва докладларнинг асосий қисми Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги, КПССнинг тинчликсевар ташқи сиёсати, социалистик ҳамдўстликни ривожлантириш масалаларига бағишланади.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

БУДАПЕШТ. Шу беш йиллиқда Венгрияда соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун 60 миллиард форинтдан кўпроқ маблағ сарфланади. Мамлакатдаги доимий даволаш муассасаларининг тармоклари беш йил ичида 9,5 — 10,5 минг ўринга кенгайтирилади. Ихтисослаштирилган болалар амбулаториялари ва касалхоналари сони анча кўпайтирилади.

ЭЛЕКТРОНИКА ВА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА РИВОЖЛАНМОҚДА

БУХАРЕСТ. Руминиянинг электрон ва электротехника саноати тез суръатлар билан ривожланмоқда. Шу тармоқ меҳнаткашлари бу йилги биринчи квартал план топшириқларини ва қабул қилган социалистик мажбуриятларни ошириб бажарганликлари тўғрисида биринчилар қаторида рапорт бердилар. Улар 3 ой мобайнида пландан ташқари 320 миллион лейдан кўп маҳсулот чиқардилар.

Совет Иттифоқи билан бошқа қардош социалистик мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик электроника ва электротехникани ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозирги вақтда шу соҳада ишлаб чиқаришни кооперативлаш ва ихтисослаш тўғрисида Руминия билан Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида кўпгина шартномалар имзоланди.

САВОДСИЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

ХАНОЙ. Хошимин шаҳрининг маориф ходимлари янги мустамлакачилик режимининг оғир мероси бўлган аҳоли саводсизлигини муваффакият билан тугатмоқдалар. Мамлакат озодликка эришгунга қадар шу шаҳардаги қусусий завод ва фабрикаларда ишлаётган кишиларнинг кўп қисми саводсиз эди. Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида шаҳардаги саводсизликни тугатиш группаларини 80 мингдан ортиқ киши битириб чиқди. (ТАСС).

ЖАНУБИЙ АФРИКА ХАЛҚЛАРИНИ ҚУВВАТЛАБ

14 апрелда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги совет комитетида совет жамоатчилиги вакилларининг Англияда апартеидга қарши кураш ҳаракати раиси, Буюк Британия парламенти депутати Роберт Хьюз бошчилигидаги шу ҳаракат делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.

Делегация аъзолари Англия жамоатчилиги кенг табақаларини бирлаштирган апартеидга қарши шу ҳаракатнинг фаолияти тўғрисида гапириб бердилар. Бу ҳаракат преторія ва Солсбери режими Жанубий Африкада ўтказиб келаётган иркчилик ва апартеид сиёсатини кескин қораламоқда.

Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларидаги сингари Англияда ҳам Жанубий Африка халқларининг адолатли курашини қўллаб-қувватлаётган жамоат кучлари оммавий ҳаракати кенгаяётганлиги тўғрисидаги хабар зўр қизиқиш билан кутиб олинди.

Англия ва совет жамоатчилигининг вакиллари БМТ қабул қилган қарорларга хилоф равишда иркчи режимларга иқтисодий, ҳарбий ва бошқа хилдаги ёрдам беришни давом эттираётган доираларнинг ҳаракатларини қораладилар. Учрашув иштирокчилари Жанубий Африка халқларининг адолатли курашини қўллаб-қувватлашга салмоқли ҳисса қўшаётган халқаро бирдамлик ҳаракатига юксак баҳо бердилар. Улар шу муносабат билан шу йил июнь ойида Жанубий Африкада апартеидга, мустамлакачилик ва иркчиликка қарши кураш шиори остида Португалиянинг Лиссабон шаҳрида чақирилаётган жаҳон конференциясини актив қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

ЗАИРДАГИ ВОҚЕАЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 14 апрель. (ТАСС) Киншасадан олинган хабарларга кўра, жанубий Шаба вилоятидаги халқ исёнини бостириш учун Заирга келган Марокаш қўшинлари Лубумбаши ва Колвези шаҳарлари районида позициялар эгалладилар.

ЮПИ агентлигининг Киншасадаги хабардор манбаларга суяниб хабар беришича, «марокашликлардан Колвезидан тахминан 350 километр нарида жойлашган Ангола чегараси томонига қўшин қилишда» фойдаланилади.

Конго миллий озодлик фронти матбуот учун берган баёнотида 1963 йилдан бери партизанлар ҳаракати тинмаётган Заирда ҳозир халқ қўзғолони бўлаётганлигини уқтирди. Жанговар ҳаракатлар фронти 800 километрга чўзилган қўзғолончилар контроль қилиб турган территория эса майдони жиҳатидан Бельгия территориясига баравараллашди. Заир армиясининг бир неча бўлинмаси қўзғолончилар томонига ўтди, жазо берувчи қўшинлар ва чет эллик босқинчилар тинч аҳолидан ўч олмоқдалар, деб таъкидланади, баёнотда.

Конго миллий озодлик фронти мамлакатнинг жанубидаги қўзғолонни бостиришда Ғарбнинг Заир маъмурларига берган ҳарбий ёрдамини қатъиян қоралади. Биз, дейилади баёнотда, Конго халки тараққиёт йўлини ўзи танлаб олиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблаймиз.

ПАРИЖ, 14 апрель. (ТАСС). Ғарбнинг Заирдаги интервенцияси Африканинг шу районида тинчлик ва хавфсизлик иши учун жиддий окибатлар келтириши мумкин. Ангола Халқ Республикасининг ташқи ишлар министри Паулу Жоржи бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида шу гапни айтди.

Халқ Анголаси Заирдаги ички можарога дахлдор эмас, деб таъкидлади у. У исёнчилар гўё Ангола, Куба ва Совет Иттифокида ўргатилган, деган ўйдирмаларни рад қилди.

Заир ҳукумати АҚШ, Бельгия, Франция ва бошқа қомиссияларидан ҳарбий мадад сўраб, мурожаат этганлиги муносабати билан бу мамлакатдаги вазият кескинлашди, деди министр. Можаронн интернационаллаштириш тенденциясининг окибатлари хатарли бўлур, деди П. Жоржи.

Янги мустамлакачи доиралар Анголани «бостириб кирди» деб айблаб, амалда Анголага қарши янги агрессия бошлаш учун бир бахона кидирятпилар, деб таъкидлади министр. Ангола халки тинчлик учун курашяпти лекин у ҳар қандай империалистик агрессияга ҳамма воситалар билан зарба беришга тайёр.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарининг ўринбосари Ж. Дэвидсон Узбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

Ж. Дэвидсон Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов ҳузурида бўлди.

Мехмон В. И. Ленин номли Марказий музей филиалини, Узбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, пойтахтдаги янги қурилиш районларини кўздан кечирди.

Ж. Дэвидсон Бухоро ва Самарқандга ҳам боради.

(ЎзТАГ).

СТРАТЕГИК ҚУРОЛЛАРНИ ЧЕКЛАШ—ҲАЛ ҚИЛИНИШИ МУМКИН ВА ЛОЗИМ БЎЛГАН ПРОБЛЕМА

Яқинда Москвада бўлиб ўтган Совет —Америка музокараларининг якуни жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Ғарбда, аввало АҚШда томонларнинг позицияларини объектив баҳолаш билан бирга, турли-туман уйдирмалар тарқатилмоқда, уларда фикр айирбошлаш моҳияти бузиб кўрсатилмоқда.

Маълумки, Москвадаги музокараларда стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги янги шартномани тайёрлашни ниҳоясига етказиш тўғрисидаги масала асосий ўринни эгаллатган эди. Бу ҳеч бир шубҳасиз, СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлардагина эмас, балки ядро уруши хавфини камайтириш, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишида ҳам ҳаётий муҳим аҳамиятга молик проблемадир. Бу проблемага бутун жаҳонда катта қизиқиш билан қараланётганлигининг боиси ҳам мана шунда.

Расмий Вашингтон! буни тушунган ҳолда, Америка томонининг позициясини оппоқ қилиб кўрсатишга ва бу масала юзасидан олиб борилган музокараларда ижобий натижалар йўқлигига ғўё Совет Иттифоқи айбдор деб кўрсатишга уринмоқда.

Бироқ ҳақиқий аҳвол бунинг тамоман тескариси эканлигидан далолат бермоқда. Совет Иттифоқи 1974 йил ноябрь ойида Владивостокда олий даражадаги учрашув пайтида СССР билан АҚШ ўртасида эришилган келишув ҳамда томонлар ўртасида 1975 —1976 йилларда кейинчалик олиб борилган расмий музокараларнинг натижалари асосида стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги янги битимни тайёрлашни пайсалга солмай ниҳоясига етказиш ва имзолаш учун изчил кураш олиб борди ва курашмоқда. Совет Иттифоқининг бу йўли Л. И. Брежневнинг яқинда сўзлаган бир қанча нутқларида, шу жумладан бу йил 18 январда Тулада сўзлаган нутқида ҳамда Совет Касаба союзларининг съездида шу йил 21 мартда сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтилди. Совет томони яқинда АҚШ давлат секретари С. Вэнс билан Москвада олиб борилган музокараларда ҳам худди шу йўлга амал қилди.

Совет Иттифоқи позициясининг моҳияти ҳамда ушбу музокараларда Америка томони таклифларига берилган принципиал баҳо совет раҳбарлиги номидан А. А. Громико шу йил 31 мартда ўтказган матбуот конференциясида баён қилиб берилди. Айни пайтда янги шартномада тенглик ва томонларнинг бирдек хавфсизлиги ўзининг изчил ифодасини топиши керак, шартномада стратегик ҳужум қурол-яроғлари пойгасини самарали жиловлайдиган чеклаш бўлиши лозим, шу билан бирга ҳеч бир томонга бир томонлама имтиёзлар берилмаслиги лозим деб таъкидланди.

Совет Иттифоқи ўзининг қонуний манфаатларидан сира воз кечмайди ва унинг хавфсизлигига зарар келтирадиган шартномага сира ҳам имзо чекмайди.

Владивостокда эришилган келишувнинг асосий мазмуни худди шундан иборатки, стратегик ҳужум қурол-яроғларини чеклаш тўғрисидаги битимнинг асосий моддаларида мазкур соҳада келишиб олинган пайтда ва унинг ҳаракат қилиш муддати истиқболида стратегик вазиятнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда томонларнинг ўзаро бир-бирига мақбул манфаатлари баланси белгилаб олинган эди. Владивостокда бўлиб ўтган учрашувдан кейин стратегик вазиятда ўзгада қабул қилинган қарорга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган биров бир ўзгариш юз бергани йўқ. Бинобарин, мана шу қарорларнинг ўзини қайта кўриб чиқишнинг тенглик ва томонларнинг бирдай хавфсизлиги асосида стратегик қуролярроглар пойгасини жиловлаш юзасидан самарали тадбирларни амалга оширишни таъминловчи илгари ишлаб чиқилган ёндашувни қайта кўриб чиқишнинг эҳтиёжи йўқ.

Шу билан бирга Совет Иттифоқи Владивостокда келишиб олинган чеклашлар мамлакатларнинг ядро пойгасини чеклаш ва уруш хавфини камайтириш йўлида олиб бораётган куч-ғайратига қандайдир тугалланган босқич деб қарагани йўқ ва қарамаяпти ҳам. Маълумки, ҳозироқ томонлар янги шартнома имзолангандан кейин стратегик қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш соҳасида янги қадамлар қўйиш ҳақида музокараларни давом эттириш тўғрисида келишиб олишди. Совет Иттифоқи ҳамон ўз ўзида турибди. Л. И Брежнев Тулада сўзлаган нутқида шуни таъкидладики, СССР «Стратегик қурол-яроғларни чеклаш масалаларида янада олға боришга ғайёр. Бунинг учун аввал ҳозиргача эришилган натижаларни мустаҳкамлаб олиш, Владивостокдаги ахдномаларни рўёбга чиқариш керак бўлади, бунинг устига муваққат битим муддати шу йил октябрда тугайди. Сўнгра бундан ҳам каттароқ тадбирлар тўғрисидаги музокараларга дарҳол ўтиш мумкин бўлади Акс ҳолда ҳозир муҳокама этилаётган масалалар ёнига ўз-ўзидан янги масалалар қўшилиб, вазифанинг умуман ҳал этилиши баттар чигаллашиб ва чўзилиб кетиши мумкин»

Янги шартномани тайёрлашни ниҳоясига етказиш масаласида Америка томонининг позицияси қандай? АҚШ давлат секретари Москвага музокаралар олиб бориш учун қандай таклифлар билан келди?

Аввало, Вашингтоннинг янги маъмурияти аввал бошданоқ ўзини шундай тутдики, гўё у Владивостокда эришилган ахдномага ўзининг сира ҳам даҳли йўқдек деб ҳисоблади, бу ахдноманинг шартнома текстига айланиши учун қилинган бошқа ҳамма ишларга ҳам ўзининг даҳли йўқ деб билди Ўз-ўзидан масаланинг шу таҳлитда қўйилишини тўғри деб бўлмайди— Американинг ҳар бир маъмурияти ўзидан олдинги маъмуриятининг асосий мажбуриятларидан воз кечаверса, халқаро ишларда қандай барқарорликка эришиш мумкинлиги тўғрисида гапириш мумкин?

Америка томонининг конкрет таклифларига келганда шуни айтиш керакки, ҳозир Вашингтонда ишни шундай кўрсатишга интилишмоқдаки, гўё Совет Иттифоқига тақдим этилган икки вариантдаги таклиф «кенг қамровли» ва «тор қамровли» бўлиб, бири-биридан афзал эмиш. Нега энди Совет Иттифоқи бу таклифларга қойил бўлмаяпти, деб ҳайрон қолишдан бошқа нарса йўқ эмиш

Аввал «кенг қамровли» ёки «таклифлар йиғиндиси» варианти деб аталган вариантни кўриб чиқайлик .

Америка томони Владивостокда белгиланган миқдор даражасини стратегик қурол-яроғ эltувчиларни 2400 донадан 2000 ёки 1800 донага қисқартириш, индивидуал тўғриланадиган ажралувчи ракета установкалари миқдорини 1320 донадан 1200—1100 донага қисқартиришни таклиф этди. Ташқаридан қараганда, жозибали таклифдек туюлиши мумкин эди, аммо ташқаридан шундай туюлади. Амалда эса томонларнинг илгари келишиб олинган стратегик қурол-яроғларнинг даражасини жиддий равишда қисқартириш ўрнига СССР ва АҚШ учун тенг миқдорда қисқартириш ҳақидаги таклиф СССРнинг хавфсизлигига қарши қаратилган бир қатор омиллардан ажратилган ҳолда ва уларни ҳисобга олмаган ҳолда илгари сурилди Жумладан, Европа ва Осиёда жойлашган Америка ядро воситалари, АҚШнинг авианосли авиацияси, АҚШнинг иттифоқчиларида ядро қуролининг бўлиши ва бошқа факторлар ҳисобга олинмаганки, буларнинг ҳаммаси фақат биргина мақсадни, —АҚШ учун бир томонлама имтиёзларни таъминлашни кўзда тутиши мумкин. Зотан, мана шу кўп сонли ядро воситалари Америка плани бўйича ҳеч даҳлсиз қолган ва бинобарин уларнинг роли ва аҳамияти шу тариқа СССР хавфсизлиги зарарига ошган бўлур эди. Қитъаларараро баллистик ракеталарнинг, сув ости кемаларида ва оғир бомбардимончи самолётларнинг ракеталарини улар айтгандай қисқартирган тақдирда шундай бўлур эди.

Вашингтон «дадил» таклифлар деб атаган бундай таклифларнинг моҳиятини охиригача очиш учун ҳар икки томон барча қитъаларараро баллистик ракеталарни, сув ости кемаларида ва оғир бомбардимончи самолётлардаги ракеталарни тўла-тўкис тугатган тақдирда Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқчилари қандай аҳволда қолганини тасаввур қилиш кифоя. Шунда нима бўлган бўларди? Шундай операциядан кейин, СССР АҚШ территориясига етказа оладиган барча воситаларидан маҳрум бўларди. Совет Иттифоқининг бевосита атроф теварагида АҚШнинг етакчи ядро воситалари авваллигидек қолаверадиган бўлур эди (булар 800 ракета ташувчи самолёт ва ердан учириладиган ракеталардан иборат), 500 дан кўпроқ америка авианосецли самолётлари ядро ҳужуми воситаларини ташлашга қодир бўлиб, учиб юрган ўз стратегик қурол-яроғига эга бўлган Америка иттифоқчиларининг бир қисми ҳам қолаверган бўлур эди. Пентагон генералларини бундай истиқбол албатта қувонтирган бўлур эди. Бироқ жиддий музокараларда ўз шерикларининг соддадиллигига ишонишга умид боғлаш мумкин эмас.

Сўнгра, АҚШда қуролсизланиш йўлида тарихий қадам деб шовқин-сурон қилиб наётган Американинг «такдифлар йиғиндиси»нинг асосий қисми шундай иборатки қанотли ракеталар деб аталган 2500 километр масофага учириладиган ракеталар учиришнинг янги турини кўпайтиришга йўл очиб қўйилган бўлур эди. Узоқ масофага учадиган қанотли ракеталар улар учириладиган жойга сув ости кемаларида ва сув усти кемаларида, самолётларда ёки энг янги бомбардимончи самолётлар паноҳида олиб келтирилиши, улар стратегик қурол-яроғлар тоифасига киришига шубҳа туғдирмайди Америка ҳужжатларида булар худди шундай таърифланади

Вашингтонда стратегик қурол-яроғларни «оқилона» тарзда қисқартириш ва ядро қуролига тобе бўлишни камайтириш фойдасига гапирилаётган баландпарвоз, аммо сохта гаплар агар амалда сақланиб қоладиган қитъаларараро баллистик ракеталар, сув ости кемалари ва оғир бомбардимончи самолётлардаги баллистик ракеталар билан бир каторда стратегик қурол-яроғларнинг тўртинчи компоненти яратилиб қолса яъни одамларга ядро ажали билан таҳдид қилувчи минг-минглаб узоққа учадиган қанотли ракеталар яратилгудек бўлса, бу сўзларнинг баҳоси неча пуллик бўлади?

Владивосток ахдномасидан келиб чиқиб ва стратегик ҳужум қурол-яроғлари пойгасининг янги каналини ёпишга интилиб, Совет Иттифоқи узоққа учириладиган қанотли ракеталарни қатъиян чеклашни талаб қилди ва талаб қилмоқда

Томонлар тайёрланадиган битимларга қанотли ракеталарни қатъиян чеклаш масаласида принципиал келишиб олинибгина қолмай, 1975—1976 йиллардаги музокаралар жараёнида бундай чеклашларнинг конкрет вариантлари биргаликда ишлаб чиқилган эди.

Шу билан бирга Совет Иттифоқи ҳеч қандай чекланмай қолади деган қоидага амал қилинарди Бошқача сўз билан айтганда, Владивостокдаги ахдномага зид ўлароқ стратегик ҳужум қурол-яроғларини ишлаб чиқариш ва

БУГУН — БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИ

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИГА ЭРИШАМИЗ

◆ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИКНИ ЎТКАЗИШ РЕСПУБЛИКА ШТАБИ БОШЛИҒИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

◆ «КАМ МАБЛАҒ САРФЛАГАН ҲОЛДА КЎПРОҚ ВА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК!» — МЕҲНАТ БАЙРАМИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ШИОРИ БУ.

БУЮК ПОЧИН ВОРИСЛАРИ

Бугун мамлакатимизда, Москва —Сортировочная депосида биринчи марта коммунистик шанбалик ўтказилган кунга 58 йил тўлади. Шундан бери меҳнат байрамлари ҳаётимизнинг таркибий қисмига, халқимизнинг ажойиб анъаналаридан бирига айланди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи ишчи-деҳқон давлати асосчиси В. И. Ленин туғилган кунининг 107 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигини умумхалқ байрами сифатида нишонлашга қатъий қарор беришган. Бу ҳақда Ўзбекистон Касаба союзлари совети секретари, коммунистик шанбаликни ўтказиш республика штаби бошлиғи Ҳ. В. НУЪМОНОВ қуйидагича ҳикоя қилади:

— Ишчи жомакоридаги байрам бу сафар, — дейди Ҳаойоулла Валихонович, — совет халқи ва бутун тараққийпарвар инсоният КПСС тарихий XXV съезди бир йиллиги яқиндагина нишонланган ҳамда Улуғ Октябрь шонли 60 йиллиги муносабати билан катта сиёсий ва меҳнат активлиги вужудга келган давларда ўтяпти.

— Оммашинг революцион шижоати нури билан йўғрилган «Қизил шанбалик»ка қандай тайёргарлик кўрилди?

— Республикамизнинг партия, комсомол, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида «Қизил шанбалик»ни ўнинчи беш йиллик иккинчи йили топшириқларини барвақт уддалаш учун социалистик мусобақанинг муҳим босқичига, хўжалик юритиш ва тежамкорлик мактабига айлантиришга интилишди. Республикадаги барча ишчи коллективларида ўтказилган митингларда аниқ мажбуриятлар қабул этилиб, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш йўллари белгиланди.

Штабимиз олган энг сўнгги маълумотларга кўра, бугун коммунистик шанбаликда саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш тармоғи, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда мактаблардан қариб 7 миллион киши иштирок этади. Бу — ўтган йилгидан анча кўп. Шуниси диққатга сазоворки, 2 миллионга яқин меҳнатчи бевосита ишлаб чиқаришда тер тўкади. 31 миллион сўмликдан зиёд ялпи маҳсулот тайёрланади.

Москваликларнинг 16 апрелда «Қизил шанбалик» ўтказиш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусига республикамизда Тошкент трактор, Электрон техника, Андижон машинасозлик, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари, Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати, Ангрен кўмир разрези, «Главташкентстрой»нинг «Жилстрой» тресті, Наманган аврли газламалар комбинати коллективлари биринчилар қатори кўшилдилар. Ҳамма жойда — «Қизил шанбалик» куни тежалган хом ашё ва материаллар эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида мавжуд резервларни қидириш ва ҳаракатга келтириш учун кураш авж олдириб юборилди.

Сўнгги тайёргарликлар бугунги Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида ўнинчи беш йиллик фондига 5 миллион сўмдан ортиқ маблағ ўтказиш имконияти борлигини кўрсатмоқда. Бу маблағлар ҳар галгидек соғлиқни сақлаш, болалар боғча ва ясли-лари, болалар уйлари, дам олиш уйлари, санаторий ва маданий-маиший объектлар қурилишига сарфланади.

— Газетхонларни қизиқтираётган яна бир саволга жавоб берсангиз: шанбаликларда ишлаб топилган маолағлар қандай ишлатилянти?

— Узоққа бормай, сўнгги саккиз йилдаги «Қизил шанбалик»ларни мисол келтираи. Уларда мамлакат бўйича 1.600.000.000 сўм маблағ беш йилликлар жамғармасига тушди. Шунинг 877.500.000 сўми соғлиқни сақлашга, 421.300.000 сўми мактаблар, болалар боғча ва яслилари, пионер саройлари ва уйлари, 179.300.000 сўми эса янги ҳунар-техника билим юртлари, техникум ва ётоқхоналар қурилишига ажратилди.

Бугунги меҳнат байрами учун қабул қилинган социалистик мажбуриятлар ҳам коллективлар ва ишчиларнинг юксак коммунистик онглилиги, ватанпарварлик ҳиссиётлари билан йўғрилган. Масалан «Чирчиксельмаш» бирлашмаси меҳнатчилари 16 апрелда фақат иқтисод қилинган энергияни ишлатадилар. Меҳнат байрамида 3,5 минг машинасоз иштирок этиб, 50 минг сўмлик маҳсулот тайёрлайди. «Каршистрой» бошқармасига қарашли Ў-кўчма механизациялашган колоннаси ишчилари Таллимаржон сув омбори ва бошқа объектларда бунёдкорлик ишларини олиб борадилар. Уларнинг мажбуриятида бугун 12 минг куб метр бетон ётқизиш, 50 минг куб метр тупроқ ишларини адо этиш ёзиб қўйилган. Техника воситаларининг бари фақат тежалган ёнилғи ҳисобига ишлатилишини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Тошкент «Метрострой» коллективи меҳнат байрамида 40 минг сўмликдан ошиқ қурилиш-монтаж ишларини уддалаши лозим. Ердамчи пудрат ташкилотлари асбоб-ускуналарни монтажлаш бўйича катта ҳажмдаги ишларни бажарадилар. Умуман, 2 мингдан ортиқ метросоз коммунистик шанбаликни уз меҳнат постида нишонлайди.

Коммунистик шанбалик куни Бухоро—1 локомотив депоси машинистлари иқтисод қилинган ёнилғи эвазига оғир юкли составларни бошқаришга бел боғлашган. Шунингдек, учта тепловоз ремонтдан чиқарилади.

Ҳайрободлик пахта тозаловчиларнинг ниятлари ҳам қутлуғ. Улар кунлик нормадагидан кўпроқ—82 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Шанбали шарофати билан 65 тонна тола, 11 тонна линт, 100 тонна чигит истеъмолчиларга жўнатилади. Беш йиллик фондига 1100 сўмдан ошиқ маблағ ўтказиш мулжалланяпти. М. Ҳидоев бошлиқ юкчилар бригадаси бир сменада икки нормани дунёдиришни кўзлаб турибди.

Қурувчиларнинг ҳиммати ҳам баланд. Қишлоқ қурилиш министрлигининг 27-тресті коллективи «Қизил шанбалик»да 15,5 минг сўмлик ҳажмида юмуш бажаришга бел боғлаган. 1600 киши меҳнат байрамини бевосита ўзавозалар устида ўтказса, трестнинг 700 нафар ходими, шу жумладан, анчагина меҳнат ветеранлари ўз бўлинмалари территориясини ободонлаштиришади.

«Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаси бош корхонасининг 130 нафар инженери, технологи, лойиҳачиси ташаббуси ҳам диққатга сазовор. Улар бугун дастҳоҳар ёнида меҳнат қилиб, ишчилар билан мусобақалашишмоқчи. Дастлабки ҳисоб-китоблар мазкур ташаббус натижасида корхонанинг бир кунлик ишлаб чиқариш ҳажми камида 4 минг сўмликка ошишидан дарак бераётир.

— Ҳалқ хўжалиги бошқа тармоқлари ходимларининг «Қизил шанбалик»даги иштирокига ҳам тўхталсангиз...

— Бугунги коммунистик меҳнат байрамида республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. Нефть, химия ва газ саноати корхоналаридаги «Қизил шанбалик»да 66 минг киши, жумладан, бевосита иш жойида қарийб 26 минг киши қатнашади. 893 минг сўмлик ялпи маҳсулот чиқарилиб, бош йиллик фондига 60 минг сўм ўтказилади.

Геология-разведка ходимларидан 24,5 минг нафар хазина изловчи бугун одатдагидай яна ўз постларини эгаллайдилар. 93 минг сўмлик ҳажмда асосий турдаги ишлар бажарилиб, деярли 32 минг сўми ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Республикамиз бинокорлари ҳам самарадорлик ва сифат беш йиллиги жамғармасига каттагина улуш қўшадилар. Шанбаликда жами 400 минг, бевосита қурилиш объектларида 305 минг бинокор қатнашади. 7 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажариш кўзланмоқда.

Автомобиль, темир йўл, сув ва ҳаво транспорти ходимлари бугун қарийб 1 миллион тонна қўшимча халқ хўжалиги юкларини ташиш мажбуриятини олишган. Қишлоқ хўжалиги мўлжалдагидан кўпроқ миқдорда трактор, прицеп, чигит экадиган сеялка ва бошқа хил техника воситалари олади. Шу билан бирга, республиканинг барча шаҳар ва посёлкаларида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш кенг кўламда олиб борилади.

Қишлоқ меҳнаткашлари бугун далаларга «Ҳамма — ленинча шанбаликка!» шиори остида чиқадилар. Улар экиш кампаниясини тугаллаш, чигитни қийғос ундириб олиш учун курашни давом эттирадилар. Кўпгина пахтачилик бригадалари бу йил ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин», маккажухорикорлар эса 100 центнердан «каҳрабо дон» етиштириш мажбуриятини олишган. Қолоқларсиз, самарали ва сифатли ишлашга интилиш қишлоқ хўжалиги ходимлари фаолиятини белгилаб берувчи ҳусусиятдир.

Бир тасаввур қилайлик: агар мамлакатимизнинг меҳнатга яроқли барча ишчиси бугун фабрика ва заводдаги ўз цехларига кириб борса, қурилиш ҳавозаларига кўтарилса, шахталарга тушса, мўл ҳосил учун замин тайёрласа кимга фойда? Биз шанбаликлар туфайли қўшимча тонналаб кўмир ва пўлатга, минерал ўғитларга, янги дастгоҳ ва машиналарга, шинам уй-жой биноларига эга бўламиз. Пировард натижада эса давлат жамғармаси неча миллион сўм маблағ билан бойиб, улар халқ фаровонлигини оширишга сарфланади.

Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари бугунги ленинча коммунистик шанбаликни эўр сиёсий ва меҳнат активлиги вазиятида ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрдилар. Чирчиқлик химиклар Москвадаги илғор саноат корхоналари коллективлари ташаббусига қўшилиб, «Қизил шанбалик»да энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишга аҳд қилишган. Суратда: бирлашманинг илғор аппаратчиларидан Р. Мустафоева.

Г. Еқубов фотоси.

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ ШАНБАЛИК

(Октябрь революцияси номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг собиқ ишчиси, шахсий пенсионер К. Ригин эсдаликлари).

«Шанбалик» сўзини биз, Тошкент шаҳар темир йўл (ҳозирги Ленин) райони комсомоллари биринчи марта 1919 йил ўрталарида эшитдик. Ана ўшанда Қозон темир йўли Москва-Сортировочная станцияси ишчиларининг В. И. Ленин «Буюк почин» деб атаган ажойиб ташаббуси, бу чинакм коммунистик ҳаракатнинг бутун мамлакатда кенг қўллаб-қувватланаётгани ҳақида хабар тоқдик.

У даврлар оғир эди. Ҳаммаёқда вайронгарчилик. Бу, айниқса ,темир йўл транспортида яққол сезилиб, паровозлар, вагонлар, ёнилғи етишмас эди. Қийинчиликларни биз, ишчилар яхши англар ва шанбаликда қатнашишни катта шараф деб билардик. Ахир, пролетариат доҳийси В. И. Ленининг ўзи шанбаликларда шахсан иштирок этганлиги кимларни руҳлантирмасди, дейсиз.

1919 йилнинг 11 октябри бир умр ҳотирамдан кўтарилмайди. Шу куни Тошкент станциясининг товар ҳовлисига «Қизил Шарқ» заводининг мастеровойлари, Бородин устахонаси, депо ишчилари ва бошқа темирйўлчилар биринчи шанбаликка чиқдилар. Эсимда: дабдаласи чиқиб кетган вагонлар состави платформада келтирилди. Иш куни эса тугаган эди. Кимдир цехимизга югуриб кирди:

— Шанбаликка таклиф этишяпти!

Ишчиларнинг ўша дамдаги ҳолатларини сўз билан ифодалаш қийин. Одамлар ўлардай чарчаган, бунинг устига ярим оч эдилар. Лекин ҳамма бир бўлиб шанбаликка чиқди. Одатда состав икки кунда бўшатиларди. Бу иш бир кечадаёқ бажарилди. Ерталаб эса кўпчилик ишчилар ўйларига кетишмади. Вагонларни ремонт қилишга қолишди...

Район партия комитетининг топшириғига биноан биз, комсомоллар станциянинг товар ҳовлисига тез-тез борадиган бўлиб қолдик. Ерталаб район комсомол комитети биноси олдида йиғилардик. Сафларга бўлиниб, комсомол байроғини баланд кўтариб, йиғма оркестр марши остида кўшиқ ва ҳазилни авжга чиқариб, белгиланган манзилга жўнардик. Кечга яқин ишни тугатиб яна район комсомол комитетига қайтардик.

Умуман, ўн тўққизинчи йили йигирма икки марта коммунистик шанбаликка чиққанмиз. Унда фақат ишчи ва хизматчиларгина эмас, аёллар ва болалар ҳам фаол иштирок этишарди. Кўпчилик катта куч экан. 30 паровоз, 667 вагон ва 1400 жуфт ғилдирак ремонтдан чиқарилди. Бундан ташқари, ўтин тайёрлар, ҳовлини саранжом-саришта қилардик.

Пиллар ўтди. Республикамиз кучга тўлиб, воягa ета бошлади. «Буюк почин» анъаналарига бўлган садоқат ортиб борди. Салор ГЭСи. Комсомол кўли, «Таштекстильмаш», «Ташсельмаш» заводларида ўтказган шанбаликларимиз коммунистик меҳнат тантанасининг рамзига айланди. Комсомол байроғи ёнида комсомолчасига ғайрат-шижоат билан ишлай бердик.

Энди эса бу байроқ остида янги авлод вакиллари. Биз бошлаган иш ишончли қўлларда давом этмоқда.

АЪЛО МАҲСУЛОТЛАР

Барча совет халқлари қатори бугун областимиз меҳнат аҳлининг бари шанбаликка чиқади. Ҳамма завқ-шавқ билан меҳнат қилади. Шу куни заводимизнинг 822 хизматчи, инженер-техник ходими юксак унумдорликка эришишни ният қилиб қўйган. 415 ишчи ишлаб чиқаришда уюшқоклик намунасини кўрсатиш иштиёқида.

Булар орасида слесарь Василий Семёнов, Урол Резяфов каби тезкорлик ва аниқлик билан ишлаб, кунлик нормасини 125-130 процентга етказаётган коммунистик меҳнат зарбдорлари бор. Лиамед Матюшенко бошлиқ токарлар бригадаси коллективи эса иш жойига ҳаммадан илгари келиб, кунлик нормасини ошириб бажариш учун ҳамма нарсани тахт қилиб қўйди.

Коллективимиз кучи билан бугун битта «Д-719» маркали ер текислайдиган машина, 4 та «Д-606» маркали бульдозер, 180 та фильтр тайёрланади. Энг муҳими, жами 32 минг сўмлик маҳсулот биринчи категория билан ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари 8 тонна металл парчалари тўплаш, 9 минг 200 квадрат метр майдонни ободонлаштириш, корхона территориясига 200 туп кўчат, 450 туп гул экиш, беш йиллик фондига 900 сўм ўтказишга аҳд қилганмиз.

А. ЗУННУНОВ,
«Андижанирмаш» заводи силлиқловчиси.

* * *

Редакция саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига тайёргарликлар ҳақида сурхондарёлик Р. Эшов ва И. Михейкин, фарғоналик С. Холматов, бухоролик Х. Шихов, сирдарёлик К. Раҳмонқулов, наманганлик Б. Маҳмудов, чирчиқлик А. Портной, самарқандлик Б. Қобулов, жиззахлик Р. Юнусов, тошкентлик М. Эшматовлардан ҳам хат-хабарлар олди.

Беш йиллик фондига

Кейинги йилларда фабрикамиз йирик корхоналардан бирига айланди.

Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги кунида корхонамиз коллективи энг юксак ишлаб чиқариш унумдорлигига эришишга қарор қилди. Шу куни 800 киши цехларда меҳнат қилади. 200 дан зиёд киши эса фабрика территориясини, болалар боғчалари, ҳовлиларни ободонлаштиришда қатнашади. 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бугун 10 минг 900 та эрканлар кўйлаги тикилиб, савдо ташкилотларига юборилади. Шундан мингта кўйлак биринчи кварталда тежаб қолинган маҳсулот ҳисобига тикилади. Шу кунги иш ҳаҳимизнинг 3 минг сўмини беш йиллик фондига ўтказамиз.

М. АБДУЛЛАЕВА,
Қарши тикув фабрикасининг смена мастери.

Бугина эмас, «ҳаво —ер» қанотли ракеталарга нисбатан формула келишиб олиниб, бунга кўра оғир бомбардимончи самолётлар 600 километрдан узоқ масофага учувчи қанотли ракеталар билан қуролланган тақдирда (уларнинг ҳар бири ўнлаб шундай ракеталарни олиб учиши мумкин) улар бош қисми ажраладиган ракеталарга тенгластирилиб, шундай ракеталарнинг белгиланган даражасига тегишинча равишда ҳисобга олинажаги айтилган эди.

Денгиз ва ер устида жойлашган қанотли ракеталарга келганда шуни айтиш керакки, бу масала шундай ракеталарга чеклашлар қўйиш хусусида очиқ қолдирилган эди. Совет Иттифоқи ўз томонидан 600 километрдан узоққа учириладиган бундай ракеталар умуман ман этилишини таклиф қилди ва таклиф қилмоқда.

Энди бўлса Вашингтоннинг янги маъмурияти озмунча куч-ғайрат сарфлаб ҳозирги вақтгача олиб борилган музокараларда эришилган ҳамма нарсани батамом бир чеккага улоқтириб ташлаб, Американинг олдинги позицияларини бутунлай қайта кўриб чиқишга интилмоқда. Америка томони 2500 километр масофагача учадиган уч турдаги барча қанотли ракеталарни ишлаб чиқаришни авж олдириб юбориш учун тўла эркинликка эришишни талаб қилмоқда. Маълум бўлишича мана шу талаб қанотли ракеталарга «қатъий чеклашлар» бўлар эмиш, аллакимлар Вашингтонда Американинг «таклифлар йиғиндиси»тариқасида тақдим этаётган таклифлари мана шундан иборат.

Тайёрланаётган битимга гўё «қурол-яроғнинг ҳар қандай янги системаларини» яратишни ман қилувчи қоидаларни қўйиш тўғрисида Америка томонининг таклифидан ҳам АҚШда нуқул пропаганда мақсадида, аниқроқ қилиб айтганда, алдамчилик мақсадларида фойдаланилмоқда.

Бироқ, ҳақиқатда Америка томони сира ҳам умуман қурол-яроғларнинг янги системаларини эмас, балки фақат қитъалараро баллистик ракетанинг янги турларини яратишни ман қилишни таклиф этган эди. Америка томони масалан, «Трайдент» типидаги сув ости кемалари ва АҚШда Б-1 типидаги стратегик бомбардимончи самолётлари ва ССРда ҳам худди шундай системадаги қуроллар сингари қурол-яроғларнинг янги турларини ман қилиш тўғрисидаги совет томонининг таклифларига аввалгидек, қулоқ солишни ҳам хоҳламаяпти. Ҳолбуки, бундан илгари бир неча марта эслатиб ўтилганидек, бу таклифлар ҳали ҳам ўз кучида турибди. Хўш, нима учун бу таклифларни эшитишни хоҳламаяптилар, деган савол келиб чиқади. Чунки Пентагоннинг планларига кўра «Трайдент» сув ости кемаларига ўзининг узоқ масофага бориши ва самарадорлиги жиҳатидан қитъалараро баллистик ракеталардан қолишмайдиган ракеталарни ўрнатиш мўлжалланмоқда; чунки янги Б-1 бомбардимончи самолётлар Американинг мавжуд бомбардимончи самолётларига қараганда ўз имкониятлари жиҳатидан анча устун туради. Ҳозирги вақтда Вашингтон қаттиқ туриб таклиф этаётган узоқ масофага учадиган қанотли ракеталар ҳам, ахир қурол-яроғнинг янги системалари эмасми?

«Қурол-яроғларнинг ҳар қандай янги системасини» ишлаб чиқаришни ман этишга АҚШнинг тайёр эканлиги тўғрисидаги баёнотларнинг чинакам маъноси мана шу.

Мавжуд қитъалараро баллистик ракеталарни модернизациялашни ман этиш тўғрисидаги таклиф ва АҚШда «ғоят оғир» ёки «ғоят самарали» деб аталган совет ракеталари сонини икки баравар камайтириш тўғрисидаги талаб сингари Америка «таклифлари йиғиндиси»даги таклифлар Совет Иттифоқининг хавфсизлик манфаатларига хилоф равишда, бундан илгари эришилган аҳдларни ревизия қилишга уринишдан бошқа нарса эмас. Ҳолбуки, бу масалалар шу муносабат билан бундан илгари қараб чиқилган бошқа проблемалар комплексида ҳар икки томон учун мақбул асосларда ўзаро келишиб олинган ва ҳал этилган масалалардир. Энди қилиб бизнинг маълум ракеталаримиз АҚШда кимлардир ёқмаганлиги учунгина проблемаларни устмаст қўйишга, янги битимлар тузиш йўлида янгидан-янги тўсиқлар келтириб чиқаришга уринишдан бошқача баҳо бериш мумкин эмас. Ҳозир музокараларда проблемаларни янада мушкуллаштириш мақсадида шунга уринмоқдалар.

Хуллас, гўё қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш масалаларида янги таклифлар деб ҳамма ёққа жар солинган Америка «таклифлари йиғиндиси» чуқурроқ қараб чиқилган вақтда бирон-бир конструктив негизга эга бўлиш у ёқда турсин, умуман уларни жиддий равишда муҳокама қилиш ҳам мумкин эмаслиги тамомила аён бўлиб қолди. Бу таклифлар шундай чуқур муҳокама учун мўлжалланган таклифлар ҳам эмас. Москвада АҚШнинг давлат секретари С. Вэнса яшириш суҳбатлар вақтида ҳам, шунингдек СССР Ташқи ишлар министрининг матбуот конференциясида кўпчилик ўртасида ҳам бу тўғрида очиқ-ойдин айтилган эди. Шунинг учун ҳам гўё совет томони ҳали узининг узил-кесил жавобини берган эмас ва Американинг янги таклифлари «тамомила ўзгарган» таклифлар бўлганлиги туфайли уни фақатгина олиш учун гўё муайян вақт керак, деган тасаввур ҳосил қилишга баъзи бировлар беҳуда уринмоқдалар.

Бу таклифларнинг маъноси тамомила равшан — бу таклифлар Владивостокдаги аҳдларни бошдан-охиригача ревизия қилишдан иборат бўлиб, битимга олиб борадиган йўлга қўйилган янги тўсиқлардир. Ҳозирги вақтда АҚШда Америка томони ўз позициясининг очиқдан-очиқ номақбул эканлигини тушунганлигини эътироф қилувчи гап-сўзлар чиққанлиги ҳам бежиз эмас, Хўш, модомики шундай экан, бу позиция Москвага олиб келишнинг нима ҳожати бор эди, деган савол келиб чиқади. Наҳотки, кейинчалик иккинчи томон «сира ён босмаяпти» деб айтиш учунгина бу таклифлар илгари сурилган бўлса? Бундай тактиканинг натижаси аён: музокараларда силжиш йўқ. Шу билан бирга пропаганда мақсадида кузатилган самарага ҳам эришилганича йўқ.

Америка томони Москвада битимнинг «тор» варианти деб аталган нусхасини ҳам ўртага қўйди. Аммо бу вариант ҳам Владивосток аҳдномасини ва шундан келиб чиқадиган кейинги Совет—Америка аҳдномаларини ревизия қилишни билдирар ҳамда стратегик қуролларни чеклаш тўғрисидаги Совет—Америка музокараларининг мақсади ва вазифаларининг ўзига мутлақо мос келмас эди.

Шуни айтиш кифоя қиладики, шу вариантга мувофиқ ҳамма қанотли ракеталар битим доирасидан четда қолдирилган бўлур эди, яъни уларнинг миқдори жиҳатидан ҳам, ҳаракат олислиги жиҳатидан ҳам ҳеч қандай чеклаш жорий этилмаган бўлур эди. Уларнинг исталган турларини хоҳлаганча ясай бериш мумкин бўлиб қолур эди.

Қанотли ракеталар проблемасини кейинчалик — шундан сўнгги музокараларда кириб чиқиш тўғрисидаги ваъда эса, ҳеч қандай наф бермайдиган қуруқ ваъдадан бошқа нарса эмас. Стратегик қуроллар пойгасининг шу янги хатарли каналини ҳозир, қанотли ракеталар ҳали ишлаб чиқаришга топширилмаган бир пайтда тўсиш тўғрисида келишиб олинмаса, уни ишлаб чиқариш бошланиб кетгандан кейин бу ҳақда келишиш анча қийинроқ бўлади. Қуролсизланиш масалаларига доир музокараларни олиб боришнинг бутун тажрибаси шуни яққол кўрсатиб турибди.

Табиийки, фақат шу сабабнинг ўзига кура ҳам Совет томони битимнинг бундай тарзда «торайтирилган» вариантига розилик бера олмади.

Бунинг устига, бу вариантни Совет Иттифоқи учун янада кўпроқ номақбул қилиб, чамаси, «масъулиятдан қочиш» истаги билан Америка томони, агар шундай бўлса, келгуси музокараларда қанотли ракеталар билан бир қаторда Ғарбда «Бекфайер» деб аталган ўртача олисликка учувчи совет бомбардимончи самолёти тўғрисидаги, яъни стратегик қуроллар категориясига кирмайдиган ва шу сабабли музокараларда муҳокама қилиниши лозим бўлмаган самолёт ҳақидаги масала ҳам муҳокама қилинсин, деб таклиф этди. Бу хусусда Америка томонига энг олий даражада неча марта талаб ҳамма зарур изоҳлар берилди, шу сабабли бу масалани яна кўтариб чиқиш — ишни онгли ва қўшимча равишда чигаллаштиришни билдиради.

«Бекфайер» бомбардимончи самолёти тўғрисидаги масалани қанотли ракеталар тўғрисидаги масала билан боғлашни бир амаллаб асосларини уриниб, Вашингтонда бу самолётнинг ҳаракат радиуси (2.200 километр) тахминан қанотли ракеталарнинг учиш масофасига (2.500 километр) тўғри келади, деган важни курсатмоқдалар. Бундай боғлашнинг бемаънилиги равшан. Шундай ҳаракат радиусига эга бўлган совет самолёти АҚШ территориясига етиб бора олмаслиги ҳатто мутахассис бўлмаган кишига ҳам аён. Мазкур олисликка учувчи қанотли ракеталарга келганда эса, манзара бошқача: бу ракеталар ҳақиқатан ҳам стратегик қуроллар, чунки уларни сув ости кемаларига, сув усти кемаларига, бомбардимончи самолётларга ёки АҚШга иттифоқчи бўлган мамлакатларнинг территориясига жойлаштириб қўйилса, СССР территориясидаги объектларни бемалол нишонга олиши мумкин, албатта. Ўз-ўзидан равшанки, бу ҳолда Совет Иттифоқи ҳам ҳар қандай қанотли ракеталарга исталган миқдорда ўз билганича эга бўлиши мумкин бўлур эди ва бунинг учун унинг ҳамма имкониятлари бор. Аммо у стратегик қуроллар пойгаси ва бунинг учун жуда катта маблағ сарфлашнинг ана шу янги канали очилишига принцип жиҳатидан қаршидир.

Совет Иттифоқи Совет — Америка музокараларида муҳокама қилинаётган стратегик қуролларни чеклаш масалалари доирасига «Бекфайер» тўғрисидаги масалани ҳам, шунингдек АҚШ территориясига етиб бора олмайдиган бошқа совет системалари ҳақидаги масаланинг ҳам киритилишини қатъиян рад қилиб келди ва рад қилади.

Иккинчидан, Американинг олдинги базаларидаги ядро воситалари тўғрисидаги, яъни Европада, Европа атрофида ва Совет территориясига етиб келиш мумкин бўлган бошқа районларда жойлаштирилган ядро қуроли ва уни элтиш воситалари тўғрисидаги, шунингдек авианосецлардаги авиация ва АҚШ сув ости кемаларининг СССР яқинида жойлашган базалари ҳақидаги масалани ўртага қўйиш учун Совет Иттифоқининг ҳамма асослари бор. Стратегик ҳужум қуролларига чеклаш ўрнатиш пайтида, томонларнинг тенглиги ва баб-баравар хавфсизлиги принципига қаттиқ риоя этилиши зарурлигини назарда тутиб, ана шу ядро воситалари ва ана шу оилларга қанотли ракеталарга келганда эса, бу масала — стратегик қуроллари бошқа мамлакатларга бермаслик тўғрисидаги ҳамда умуман имзоланиши лозим бўлган битимни четлаб ўтадиган бирон бир ҳаракат қилинмаслиги ҳақидаги масаладир. Бу — янги масала эмас. Совет томони ўз вақтида битимга киритиш учун бу тўғридаги конкрет иборани ҳам таклиф қилган эди. Аммо масаланинг моҳияти юзасидан Америка томони ҳамон жавоб бермаганлиги сабабли Совет томони битимни шу қоидаларсиз тузиб бўлмайди, деб ҳисоблаётганлигини таъкидлаш зарурати туғилади. Башарти учинчи мамлакатлар воситасида ёки бирон бир бошқа тарзда битимни четлаб ўтиш учун туйнук қолдирилса, бу битим ҳақиқатан ҳам самарали бўла олмайди.

Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида янги битим тузиш ҳақида СССР билан АҚШ ўртасида ўтказилаётган музокаралардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволи ана шундай. АҚШ давлат секретари С. Вэнс Москвага олиб келган Америка таклифлари тўғрисидаги ҳақиқат ана шундай. А. А. Громикоинг шу йил 31 мартдаги матбуот конференциясида ҳам ана шуларнинг ҳаммаси ҳақида яққол ва ишонарли қилиб гапирилди.

Совет Иттифоқи ҳозир амалда бўлган Муваққат битимнинг ўрнини оладиган ва стратегик ҳужум қуролларини чеклашга бағишланган янги битим тузилишига қаратилган йўлни сабот ва қатъият билан ўтказмоқда.

Стратегик қуролларни чеклаш — СССР билан АҚШгагина эмас, дунёдаги барча халқларга ҳам тааллуқли бўлган катта проблемадир. Ана шу проблема ҳал этилиши мумкин ва лозим. «Ҳозирги замоннинг энг муҳим вазифаларидан бири — қуролланиш пойгасини, айниқса ядро қуроли билан қуролланиш пойгасини чеклаш вазифаси ҳал этилишига эришиш — бизнинг программавий мақсадимиздир», — деган гапни Л. И. Брежнев шу йил 5 апрелдаги нутқида яна бир бор таъкидлади.

Стратегик қуролларни чеклаш юзасидан янги Совет — Америка битими устидаги ишни муваффақиятли тугаллаш учун зарур шарт-шароитлар бор. Бу битимнинг асосий параметрлари 1974 йилдаёқ Владивостокда белгилаб берилган эди; унинг кўпгина конкрет қоидалари кейинчалик ўтказилган олий даражадаги учрашувларда, шунингдек СССР билан АҚШ делегацияларининг Женевадаги музокараларида ишлаб чиқилди. Қилинган ишни муваффақиятли якунлаш томонлардан конструктивлик ва яхши ниятда бўлишнигина талаб қилади, холос.

Совет Иттифоқи шундай қилишга тайёр. Америка томонининг позициясида ҳам пировард натижада реалистик ёндашиш ва масъулият туйғуси устун бўлиб чиқади, деб умид қилишни истардик.

«ПРАВДА» газетасининг 14 апрелдаги редакцион мақоласи).

МОСКВАДА ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БИРИНЧИ СПЕКТАКЛЬ ТААССУРОТЛАРИ

Москваликлар Ҳамза номидаги театрни яхши биладилар. Унинг ватанимиз пойтахтига қиладиган ҳар галги ижодий сафари қизғин кутиб олиниб, зўр муваффақият билан ўтади. Ҳамзачилар Москвада сўнгги марта 1964 йилда бўлган эдилар. Мана, орадан ўн уч йил ўтиб, янги учрашув, янги, театр байрами, қизғин қўл олишувлар яна бошланди.

Гастроль мамлакатимизнинг қадимий санъат масканларидан ҳисобланган Малий театр саҳнасида бошланди. Бу воқеа улкан санъат байрамига айланиб кетди. Пахтакор ўлка театр намояндалари билан учрашгани, улар иштирокидаги спектаклни кўргани жуда кўп москваликлар — санъаткорлар, зиёлилар, ишчилар, олий ўқув юртларининг талабалари ташриф буюришди. Москва театр жамоачилиги номидан сўзга чиққан атоқли санъаткор, СССР халқ артисти Михаил Жаров ўзбек театри намояндаларини қизғин табриклади. Меҳмонларга гулдасталар тақдим қилинди.

Шундан сўнг атоқли совет драматурги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин пьесаси асосида саҳналаштирилган «Инқилоб тонги» спектакли намойиш қилинди. Асар катта муваффақият билан кўрсатилди. Томошабинлар ижрочиларни ўринларидан туриб узоқ олқишладилар. Мен москваликлардан дастлабки интервьюларни олдим.

«ЎЗБЕК АРТИСТЛАРИ ҚАЛБИМИЗНИ ЗАБТ ЭТДИ»

«Инқилоб тонги» спектакли аъло даражада саҳналаштирилган. Ижрочилар ўзларига топширилган ролларни зўр маҳорат билан ижро этдилар. Менда, айниқса, бош ролларни яратган санъаткорларнинг маҳорати катта таассурот қолдирди. Бир сўз билан айтганимда, мен ўзбек артистларининг санъатига мафтун бўлиб қолдим.

В. ТУКМАКОВ,
«Серп и молот» заводининг ишчиси».

* * *

«Сизнинг саҳна усталарингиз ҳар қанча мактовга лойиқ. Улар мамлакатимизнинг истеъдодли театрини безашлари мумкин. Мен бунга эстойдил ишонаман. СССР халқ артистлари Шукур Бурҳонов, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимовлар саҳна санъатининг сеҳрли намояндаларидир. Биз ўзбек театри санъаткорларининнинг ижросидан мамнунмиз. Бунинг учун «раҳмат», деймиз уларга.

С. СТЕПАНОВА,
илмий ходим.

М. БОБОХОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

РЕВОЛЮЦИЯ НОМИ БИЛАН

МУЗАФФАР ОТА — АКТЁРЛАР ОТАСИ

Дастлабки совет мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган «туркчи» курсларида ўн саккизинчи йилнинг баҳор кунларидан бирида Ҳамза ўз актёрлари группаси билан Тошкентга келибди, деган хушхабар тарқалди. Курс тингловчилари бу ажойиб мард инсонни, янги ҳаётнинг толмас ва эҳтиросли тарғиботчисини анчадан бери билар эдилар. Лекин улардан ҳеч ким Ҳамзанинг ўзини кўрмаган, унинг революцион театр труппаси томошаларига тушмаган эди. Ҳамзанинг олдига бориб, уни бўлажак ўқитувчилар билан учрашиш ва пьеса қўйишда ёрдам бериш учун таклиф қиладиган бўлишди...

Курс тингловчиси Музаффар Муҳамедов тун бўйи қора чироқ нурида Ҳамзанинг «Ишқ қурбонлари» пьесасини ролларга таксимлаб, кўчириб чиқди. Ҳамза бу пьесасини энди ўн еттига тўлган кезлари ёзган, шу асари учун бойлар ва муллаларнинг ғазабига дучор бўлган эди. Эртасига репетициялар бошланиб кетди. Ҳамзанинг ўзи энг қийин ролларидан бири — бойнинг ўғли образини яратишга киришди. Саҳнада Ҳамза билан бирга Музаффар ҳам ўйнаган эди.

Музаффар Муҳамедовнинг ўзбек совет адабиётининг асосчиси, революционер шоир Ҳамза билан танишуви шундай бошланган эди. Ана шу учрашувдан буён ярим асрдан ортик вакт ўтди. Шу йиллар мобайнида курснинг собик тингловчиси, ҳозир эса Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат Академик катта театрининг режиссёри, Октябрь революцияси ордени кавалери санъатимизга хизмат қилиб келмоқда. Уни «Ота», ўзбек актёрларининг отаси дейишади. Ҳуллас тиниб-тинчимайди.

Режиссёрлар, кинематографиячилар Ўзбекистонда Совет ҳокимияти барпо этилиши ҳақида, ўзбек совет театри ҳақида бирор асар яратмоқчи бўлсалар, албатта Музаффар ота олдига келиб, маслаҳат сурайдилар, чунки у ана шу тарихнинг жонли гувоҳидир.

...1920 йилнинг ёзида Фарғона водийсига, Туркистон фронтига «Қизил Шарқ» агитпоезди юборилди. Унинг составида Карл Маркс номли театр труппаси ҳам бор эди. Музаффар Муҳамедов ана шу театрнинг актёри эди. Труппага ўзбек совет театри асосчиларидан бири Маннон Уйғур раҳбарлик қиларди. Босмачиларнинг ҳужум қилиш хавфи бўлгани учун ҳар бир актёрга фронтда жўнашдан олдин милтик беришди. Босмачилар поезддагина эмас, ҳамма жойда ҳам ҳужум қилишлари мумкин эди, ҳатто спектакллар давом этаётганда ҳам залдан туриб ўқ узиш ҳоллари бўларди.

Ўн чоғли қизил аскар қўриклаб турган кичикроқ бир станцияда артистлар «Андалузиянинг сўнгги куни» деган спектаклни кўрсатишга карор қилишди. Озарбайжонлик Мамед Саид Урдубодийнинг бу пьесасида испанларнинг араб босқинчиларига қарши жанглари тасвирланганди. Спектакль Тошкентда репетиция қилинганида «томонлар» ёғочдан ясалган қилич-қалконлар билан «жанг» қилишарди. Станцияда кўрсатилган томошада эса улар ўрнида латта-путтага ўралган ҳақиқий қуроллардан фойдаланилди. Бирданига қум тепа томондан отликлар кўринди. Босмачилар бакириб-чақириб станцияга бостириб келишарди. Артистлар ҳам қизил аскарлар билан бирга темир йўлнинг нариёғига етиб олиб, душман йўлини тўсишди. Қутирган босмачилар бундай қаршиликдан ғазабланиб, нима қилиб бўлса ҳам станцияни қўлга олишга ҳаракат қилишди. Қизил аскарларнинг янги отрядлари ёрдамга келди. Жанг бир неча соат давом этди. Душман ўлганлар ва яралорларни ташлаб қочди...

Музаффар Муҳамедов Москведаги ўзбек драма студиясида ўқиб юрган чоғида 1927 йилнинг январида коммунистлар партияси сафига кирди. Уни Москвадаги Красная пресня райкоми партия сафига қабул қилди. Тез орада Музаффар режиссёрлик дипломини ҳам олди.

...Шундан бери Музаффар ота ўнлаб спектакларда ўйнади. У эллек беш спектакл режиссёрлик қилди. Булар орасида биринчи ўзбек операси — Мухтор Ашрафийнинг «Бўрон» операси ҳам бор. «Лайли ва Мажнун», «Буюк канал», «Зайнаб ва Омон»,«Зулматдан зиё», «Дилором» каби талайгина ўзбек муаллифларининг асарлари яратилишида Музаффар отанинг режиссёрлик ҳизмати катта. Лекин режиссёр учун айниқса «Гулсара» операси нихоятда ардоқлидир. Музаффар ота хотин-қизлар озодлигига бағишланган бу асарида паранжисини ташлагани учун қурбон бўлган, аммо ўлимни ҳам писанд қилмай нурга интилган, келажакка ишонч билан караган аёлларнинг иродасига қойил қолганини ифода эта олди.

...«Музаффар ота, сизни саҳнага таклиф этишяпти!, — театр радиосидан спектакль олиб борувчининг овози эшитилди. Ҳозир, бир неча дакикадан сўнг оғир парда суриліб, саҳна очилади. Саҳнага бугун ёш артистлар чикишади. Булар Музаффар ота ўзи ярим аср мукаддам станцияни душманлардан химоя килган қуролдош дўстларининг фарзандлари, набираларидир. Саҳнада қизил ранга бўялган темир йўл вагони пайдо бўлади. Бу — биринчи ўзбек профессионал театрининг тимсолидир.

С. ФРОЛОВА,
ЎзТАГ мухбири.

ФОТОЛАВҲАЛАР

Янгийўл пойафзал фабрикаси болалар оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона коллективи бу йил планга қўшимча 50 минг жуфт болалар сифатли пойафзали ишлаб чиқаради. Юқоридаги суратда: Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақа ғолибларидан бири Ҳалим Исмоилов (юқорида). Пастдаги суратда: Тошкент ёг-мой комбинатининг пешқадам ишчиси Жамила Шодиева.

И. Глауберзон фотолари.

ДЎСТЛИГИМИЗ РАМЗИ

Болгария Халқ Республикасининг Хасково округи билан республикамизнинг Тошкент области ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқалари ўрнатилган. Ҳар йили анъанага кўра совет ва болгар дўстлари меҳмон бўлиб кўлга киритилган ютуқлар, эришилган зафарлар ҳақида бир-бирларига ҳикоя қилиб берадилар.

Яқинда болгариялик дўстларимиз пойтахт областида бўлишди. Улар колхоз ва совхозларда бўлиб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига меҳнат қилаётган азамат қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари билан суҳбатлашдилар, бир қатор илмий тадқиқот институтларига бордилар.

Пойтахтимиздаги Уйғур номли кўчада қад ростлаган янги магазиннинг очилиши ҳам болгариялик дўстларимизнинг Тошкентда меҳмон бўлиб турган пайтларига тўғри келди. Бу универсал ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган магазинга «Хасково» номи берилди.

Универсал ўз-ўзига хизмат қилувчи магазин замонавий талаблар даражасида қурилган. Бу ердан ҳамма нарсани харид қилиб олиш мумкин. Рўзғорбоп буюмлар, электр асбоб-ускуналари, озиқ-овқат маҳсулотлари батартиб жойлаштирилган. Савдо залининг умумий майдони 420 квадрат метрга тенг.

«Хасково» универсамида ўз касбининг усталари меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсата бошладилар. Тошкентда ягона «Хасково» универсалига марҳамат!

Суратда: «Хасково» универсамининг кўриниши.

Р. Шагаев фотоси, (ЎзТАГ).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

18—24 АПРЕЛЬ

18 АПРЕЛЬ — ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10— Гимнастика. 10.30 — **Чол ибн Хаттоб** (бадиий фильм). 12.20 — Бизнинг биография — 1940 йил. 16.00 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Сиз яратган бог. 16.30 —**Мандат** (бадиий фильм). 18.00 — «Ёшлар адреслари». 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — Қувноқ нотолар. 19.30 — **Социалистик мусобақа кундалиги.** 20.15 — **Камалак.** 20.45 — **«Кремль курантлари»** (фильм-спектакль). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Фильм-спектаклнинг давоми. 24.00 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.20 — Табиатшунослик. 10.40 — Ҳужжатли фильм. 11.30 — Табиатшунослик. 11.50 — **Островский уйи** (телеспектакль, 1-қисм). 13.10 — **Урмонлар, тоғлар ортида** (бадиий фильм). 18.30 — **Мультфильм.** 18.40 — Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 19.10 — Нафосат оламида. 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — **Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари.** 20.25 — Г. Зокирова ва П. Мустафоев концерти. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Гулшод Отабоева концерти. 21.50 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.50 — **Дала ҳовли** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05— Болалар учун фильм. 19.10 — **У замонлар ўтиб кетди** (бадиий фильм). 20.25 — **Янгиликлар.** 20.45 — Адабиёт. 21.15 — Реклама. 21.25 —Олий математика.

19 АПРЕЛЬ — СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10— Гимнастика. 10.30 — **Кремль курантлари** (фильм-спектакль). 16.00 — Кинопрограмма. 16.30 — Жонажон мамлакатимиз бўйлаб. Грузия ССР. 17.00 — В. Иванов. «Бронепоезд 14-69». 17.45 — Совет қонунчилиги асослари. 18.15 — **«Орлёнок».** 19.00 — **Янгиликлар.** 19.10 — Расмларда қуёш акси бор. 19.25 — Концерт. 19.35 — Социалистик турмуш тарзи ва халқ фаровонлиги. 20.35 — **Сенсиз дунё қоронги** (бадиий фильм). 22.00 — **«Вақт».** 22.40 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 23.35 — Ҳужжатли фильм. 00.05 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиёт. 12.00 — Островский уйи (телеспектакль. 2-қисм). 13.35 — **Дала ҳовли** (бадиий фильм). 18.30 — **Мультфильм.** 18.40 — Пионер-вожатийлар клуби. 19.15 — Ўзбекистонда В. И. Ленинга қўйилган ҳайкаллар. 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — Кино ҳақида суҳбатлашамиз. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Ёшлар овози (концерт). 21.50 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — **«Олтин қўллар».** 22.45 — **Милтиқли киши** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05— Болалар учун фильм. 19.15 — Эстетика. 19.55 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.25 — **Янгиликлар.** 20.45 — **Стюардесса** (бадиий фильм). 21.20 — Назарий механика.

20 АПРЕЛЬ — ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10— Гимнастика. 10.30 — **Сенсиз дунё қоронги** (бадиий фильм). 11.55 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 12.55 — Концерт. 16.00 — **Владимир Ульянов.** (ҳужжатли фильм). 16.30 — **Темир оқим** (бадиий фильм). 18.15 — Горничилар қаердасиз! 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — Фан оламида. 19.45 — Оила тарихи (кўп серияли телевизион спектакль. 2-боб). 20.40 — **Спортлото.** 20.50 — Бизнинг биография — 1941 йил. 22.00 — **«Вақт».** 22.40 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 23.10 — «Олтин нота». 00.05 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30— Болалар учун фильм. 11.40 — «Қирол Пиф-паф» (телеспектакль). 13.05 — **Милтиқли киши** (бадиий фильм). 18.30 — Пионерлар Бутуниттифоқ маршида. 19.00 — **Мусобақа туфайли туғилган.** 19.30— **Миллионлар ленинча университети.** 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — **Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига.** (Премьералар, дебютлар, учрашувлар). 20.40 — **«Буюк қалб эгаси»** (ўзбек шоирларининг шеърлари асосида композиция). 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Ёшлар ижоди. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Галла ризқ-рўзимиз. 22.45 — **Оқибат** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 —Болалар учун фильм. 19.20 — **Жулдир шинелли чол** (бадиий фильм). 20.00 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.30 — **Янгиликлар.** 20.50 — Тошкент ва тошкентликлар. 21.20 — Бутуниттифоқ баҳорги кўча ҳаракати хавфсизлиги кўриги олдидан. 21.40 — Химия.

21 АПРЕЛЬ — ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10— Гимнастика. 10.30 — Оила тарихи (кўп серияли телевизион спектакль. 2-боб). 11.25 —Мўъжизасиз-мўъжизаалар. 12.25 — Бизнинг биография 1941 йил. 15.30 — Ҳужжатли фильм. 15.45 — Жонажон мамлакатимиз бўйлаб. Латвия ССР. 16.15 — Рус тили. 17.00 — Ихтиро-чи. 17.30 — Шахмат мактаби. 18.00 — **В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар.** 18.30 — **Миллионлар ленинча университети.** 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — **Хоккей.** ГФР — СССР (жаҳон чемпионати). 21.20 — **Камалак.** 21.40 — Бутуни Ульяновск. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Футбол:** Европа чемпионлари кубоги. «Боруссия» (ГФР) — «Динамо» (Киев). Ярим финал. 24.00 — Концерт. 00.30 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Зоология. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 —Зоология. 13.00 — **Оқибат** (бадиий фильм). 14.25 — «Искорка» (такрорий) .18.30 — **«Ёшлик»** 19.05 — Ҳужжатли фильм. 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — **Ленин ҳамиша қалбимизда.** Кинокўрсатув. 21.00 — , **Ахборот.** 21.20 — Ҳабиба Охунова концерти. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Ҳаёт лавҳаси (телеспектакль).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05— Болалар учун фильм. 19.15 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун кўрсатув. 20.15 — Ўқитувчилар экрани. 20.45 —**Янгиликлар.** 21.05 — Классик куй саҳифалари. 21.35 — «Касб ўрганиш».

22 АПРЕЛЬ — ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10— Гимнастика. 10.30 — Баҳор ҳақида шеърлар. 11.00 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 12.00 — **Миллионлар ленинча университети.** 15.40 — **Ленинград революция бешиги.** (Ҳужжатли фильм). 16.10 — Ёшлар ижоди. 16.25 — Совет тасвирий санъати. «Ленинниана». 16.50 — Москва ва москваликлар. 17.20 — **«Поэзия».** Ленин номи барҳаёт. В. И. Ленин марказий музейидан олиб кўрсатилади. 17.50 — **Она меҳри** (бадиий фильм). 19.15 — Концерт. Д. Шостакович. 12-симфония. 19.55 — **В. И. Ленин туғилган кунининг 107 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш.** Концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— **«Вақт».** 23.30 — **Хоккей.** Канада — АҚШ. 01.15 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 —Болалар учун фильм. 11.50 — Тарих дақиқалари (телеспектакль). 12.50 — **Ленин бўлган жойларда** (ҳужжатли фильм). 13.05 — **«Ленин йўлидан, Октябрь йўлидан борамиз».** 18.05 — **«Биз — Ильич набиралари».** 18.35 — **«Правда» газетаси совғини учун енгил атлетика бўйича Бутуниттифоқ кросси.** Матбуот конференцияси. 18.55 — **Ахборот.** 19.15 — **В. И. Ленин — Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг ташкилотчиси.** 19.35 — **Ахборот.** 19.55— **Москва. В. И. Ленин туғилган кунининг 107 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Концерт.** Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — **«Вақт».**

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — **Барҳаёт Ленин тафаккури.** 19.20 — М. Шолохов. «Дон ҳикоялари». (Ўқув кўрсатуви). 19.50 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.20 — **Янгиликлар.** 20.40 — Физика.

23 АПРЕЛЬ — ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10— Гимнастика. 10.30 — Моҳир қўллар. 11.00 — Ота-оналар — сизлар учун. 11.30 — Музикали программа. 12.00 — **Мультфильм.** 12.10 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 12.40 — Табиат ва инсон. 13.10 — Лирик тароналар. 13.35 — **Спортлото.** 13.45 — Адабий ўқиш. 14.05 — «Москвичка». 15.25 — Телевизион бадиий фильм. 15.55 — **«Здоровье».** 16.25 — Африка тупроғидаги дўстона учрашувлар. 16.45 — Музикали абонемент. 17.20 — **Илья Муромец** (мультфильм). 17.30 — **«Ҳамдўстлик».** 18.00 — **Ҳайвонот оламида.** 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — **Шахсий масалалар бўйича қабул куни** (бадиий фильм). 20.45 — Бизнинг биография — 1942 йил. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Хоккей:** Швеция — Канада. 00.15 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.20— **Телеминиатюралар.** 11.00 — **Мультфильм.** 11.20 —Концерт. 12.00 — **Қиличбозлик бўйича республика Министрлар Советининг совғини учун.** 12.30 — Дўстимга мактуб (телетеатр. 1-қисм). 13.50 —Жаҳговар постда. 14.20 — **Табиат соқчилари** (бадиий фильм). 17.55 — Шоирлар — болаларга. 18.25 — Советский воин. 19.05 — **«Ёшлик».** 19.45 —**«Ахборот.** 20.00 — Концерт. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — **Куйланг, ёш хонандалар.** 21.50 — **«Жилолар»** (ҳужжатли фильм). 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **«Узбекистон чорвадори».** 22.50 — **Наташахоним** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.20 — Душанба кўрсатувлари.

24 АПРЕЛЬ — ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10— Зарядка сафланинг. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 12.10 — **«Орлёнок».** 12.55 — Қишлоқ янгиликлари. 14.25 — Адабий суҳбатлар. 15.10 — **Комсомольск** (бадиий фильм). 17.00 — Бусун — Биродарлашган шаҳарлар жаҳон куни. 17.30 — **Мультфильм.** 17.40 — **Октябрь қўшиқлари.** 18.30 — **Халқаро панорама.** 19.00 — **Янгиликлар.** 19.15 — Меҳнат қишларининг бирдамлиги. 19.30 — Концерт. 20.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 21.00 — **Футбол.** СССР — Греция (жаҳон чемпионати саралаш учрашувининг 1-тайми). 21.45 — «Симфоник поэма». 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Футбол:** СССР — Греция (2-тайм). 23.15 — Артлото. 00.20 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — **Янгиликлар.** 10.20— Куйланг, ёш хонандалар. 10.50 — **Мультфильм.** 11.00 — **Қувнок стартлар.** 12.00 — Ёш кинохаваскорлар клуби. 12.50 — **«Дўстга мактуб»** (телетеатр 2-кисм). 14.00 — Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун. 14.40 — Шахмат мактаби. 15.10 —Телеочерк. 18.05 — **Мультфильм.** 18.25 — Кичкинтойлар учун курсатув. 18.55 — **«Ёшлик».** 19.15 — **«Правда» газетаси совғини учун енгил атлетика бўйича Бутуниттифоқ кросси финали ҳақида репортаж.** 19.45 **Ахборот.** 20.00 — Отажон Худойшукуров куйлайди. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 —**Телеминиатюралар.** 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Циллакорларнинг шу кунги вазифалари. 22.50 — **Ок йўл «сангори нушча»** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

16.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/IV да **Анда,** 17/IV да **Золушка** (12.00), **Травиата** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/IV да **Жон қизлар,** 17/IV да **Кулги нечаси,** 18/IV да **Туркман қизи.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/IV да **Фақат ақл сотилмайди,** 17/IV да **Ишқ қурбонлари** (12.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **дунёда ягона лилипутлар ревюси иштирокида МОСКВА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (15.00, 19.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими** (3—4-серия, катта зал, кундуз ва кечқурун), **Есения** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Фердинанд Люснинг ҳаёти ва ўлими (3—4-серия) —«ВОСТОК», «МОСКВА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Сен менинг қўшиғимсан — «КУКЧА», «ҚОЗОГИСТОН» (тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бормисан, марказий ҳужумчи — «ИСКРА» (20.00).

Азизим, Робинзон — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (10, 12, 14.00).

Тоғ қироли ва бошқалар — (13, 14, 16), **Малиновкада тўй** (18, 20.00) — «ПИОНЕР».

Алп воқеаси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОГИСТОН» (жуфт соатларда).

●

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб ЮКСАК ДАРАЖАДА БАДИИЙ БЕЗАТИЛГАН ЭНГ ЯХШИ ЭСДАЛИК-СОВҒА БУЮМЛАРИ УЧУН

ОЧИҚ КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС ИККИ БОСҚИЧДА: 1977 йилнинг 20 апрелигача ва 1 майдан 1 сентябригача ўтказилади.

НАМУНАЛАРНИ ЖУНАТИШ МУДДАТЛАРИ ШУ ИККИ БОСҚИЧГА БИНОАН 1977 ЙИЛНИНГ 19 АПРЕЛИГА ВА 31 АВГУСТИГА БЕЛГИЛАНАДИ (почта штемпели бўйича).

Намуналар тасвирлар илова қилиниб ва буюмларни тайёрлаш учун қўлланилган материалларнинг номлари кўрсатилиб, қисқача изоҳ хати билан ва имкони бўлса уни ишлаб чиқариш технологиясининг тасвири билан бирга қўшиб тақдим этилади.

Авторнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва адреси печатланган конвертда илова қилинади. Ишлар бевосита ёки почта орқали қуйидаги адресга юборилиши мумкин: Тошкент шаҳри, ЧГСП, Шайхзода кўчаси, 26-квартал, Давлат махсус бадиий конструкторлик-технология бюроси.

ЭСДАЛИК-СОВҒА БУЮМЛАРИНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАМУНАЛАРИ УЧУН МУКОФОТЛАР

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИ УЧУН:

400 сўмдан иккита биринчи мукофот,
300 сўмдан учта иккинчи мукофот,
200 сўмдан бешта учинчи мукофот,
100 сўмдан бешта рағбатлантириш мукофоти;

РАССОМЛАР, МОҲИР УСТАЛАР УЧУН:

300 сўмдан иккита биринчи мукофот,
200 сўмдан учта иккинчи мукофот,
150 сўмдан бешта учинчи мукофот,
75 сўмдан бешта рағбатлантириш мукофоти.

●

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ўрта осиё медицина педиатрия институти

сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 700140, Тошкент шаҳри — 140, Чермет кўчаси, 103-уй.

●

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

17 АПРЕЛЬ СОАТ 17.00 ДА СССР биринчилиги учун «КУЗБАСС» (Кемерово) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — АБВГдейка. 11.00 — Ота-оналар учун кўрсатув. 11.30 — Музикали программа. 12.00 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.30 — Рассомлар ҳакида ҳикоялар. 13.00 — Концерт. 14.00 — Совет шоирларининг партия ҳақидаги шеърлари. 14.25 — Мультфильм. 15.00 — **Мўъжизасиз-мўъжизалар** 16.00 — **Шанбалик кундалиги.** 16.10 — **«Здоровье.** 16.55 — Лирик тароналар. 17.15 — **Чол ибн Хаттоб** (Бадиий фильм). 18.35 — **Шанбалик кундалиги** 18.45 — «Кострома тупроғида». 19.00 **Янгиликлар.** 19.10 — **Ҳозирги замон кўпкураши бўйича СССР нубоги.** 19.45 — **Бахтли рейс.** (Бадиий фильм). 21.00 — **Футбол.** ЦСКА — «Динамо» (Тб). 1-тайм. 21.45 — Спортлото. 22.00 — **Вақт.** 22.30 — **Футбол.** ЦСКА — «Динамо» (Тб). 2-тайм. 23.15 Концерт. 01.15 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Мультфильм. 10.30 **Доира рақсга чорлайди.** 11.10— **Бугун — Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги.** 11.30 — **В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж.** 12.10 — Кинокузгуданги ҳаёт. 13.00 — **Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги кундалиги.** 13.15 — Мусиқа жавони 14.10 — **Спорт кўрсатуви.** 14.45 Ота-оналар учун консультация 15.15 — «Малишок». 18.00 — «Юлдузча». 18.30 — **«Ёшлик»** 18.50 — Ота-оналар университети. 19.20 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 —Лирик концерт. 21.00 — **«Ахборот».** 21.30 — **Куйланг, ёш хонандалар.** 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — «Деҳкон ва замон».

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.45 — Кўрсатувлар программаси.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.15 — Сўнгги ахборот. 8.30 —**Меҳнатим — бахтим менинг.** Музикали-адабий концерт. 9.30 — Концертнинг давоми. 11.15 — **Коммунистик шанбалиқдан дарслар.** 11.30 —, **«Гулшан».** 12.00 — Сўнгги ахборот. 12.10 — **Ўзбекистон ишчиси.** 13.00— Анастасия Чуднай ижодшлари 13.30 — **Коммунистик шанбалиқд